КПСС XXII съезди шарафига

„ОҚ ОЛТИН“ КАРВОНЛАРИНИНГ КЕТИ УЗИЛМАЯПТИ

АНДИЖОНЛИКЛАР ТАШАББУСИНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙДИРИБ, КПСС XXII СЪЕЗДИГАЧА ҲОСИЛНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИНИ ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК, ДАВЛАТГА ФАҚАТ БИРИНЧИ СОРТ ПАХТА ТОПШИРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 212 (11.961)

Шанба, 9 сентябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

ГЕКТАРИДАН 37 ЦЕНТНЕР

ТЕША ЖУМАЕВ ЗВЕНОСИ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

ҚОРАҚЎЛ (Бухоро области), 8 сентябрь. (ЎзТАГ мухбири **Г. Кирхаджи**). Бугун Қоракўл районидаги «Октябрь» колхози пахтакорларидан биринчи рапорт келди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Шарофат Баракаева бригадасининг КПСС аъзоси Теша Жумаев звеноси давлатга йиллик пахта сотиш планини бажарди. 12 иш кунида 32 гектарнинг ҳар гектаридан 37 центнердан биринчи сорт пахта териб олинди.**

Бу йил звено далаларида «оқ олтин»дан мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирилди. КПСС янги Программаси ва Устави проектларидан руҳланган Теша Жумаев бошлиқ звено аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллик кунигача даладаги ҳосилни битта қолдирмай батамом териб олиш ва Ватан омборига гектаридан юз центнердан ҳосил топшириш учун курашни кучайтириб юбордилар.

АНДИЖОНЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

ПОЙАРИҚ. (**«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири**). Райондаги Ленин номли тажриба-намуна хўжалиги аъзолари андижонликлар ташаббусига қўшилиб, пахта йиғим-терими суръатини тобора оширмоқдалар. «Бу йил ҳамма ҳосилни фақат биринчи сортга сотамиз» — колхоз пахтакорларининг аҳди ана шундай.

Колхозда ишга яроқли ҳамма ишчи кучи пахта йиғим-теримига сафарбар этилди. Натижада терим суръати кун сайин ошиб борялти. Колхоз бундан уч кун олдин йиллик планнинг 1,2 процентн миқдорида пахта тайёрлаган эди. Андижонликлар мурожаати муҳокама қилингандан кейин колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2 процентн миқдорида пахта тайёрлаяпти. Қувондиқ Эгамбердиев, Бердиқул Саидов, Эшбувак Болтаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар куни йиллик планнинг 2,2-2,5 процентн миқдорида пахта терилмоқда Жумагул Муродова, Ойшакар Жўрақулова, Ҳикмат Эгамбердиева, Маъруфат Ҳомидова, Яхшигул Ўрозова сингари юздан ортиқ теримчи ҳар куни хирмонга 170-180 килограммдан пахта тўкмоқда.

ИККИ ПРОЦЕНТДАН

РОМИТАН, 8 сентябрь, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). «Ромитан» совхозининг ишчилари ва механизаторлари етти йилликнинг учинчи йилида Ватанга 10,5 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олганлар. Совхоз коллективи фидокорона ишлаб, бу юксак мажбуриятни таъминлайдиган даражада ҳосил етиштирди.

Андижонлик пахтакорларнинг ватанпарварлик ташаббусини қизғин кутиб олган совхоз ишчилари пахта териш ва топширишни кучайтириб юбордилар. Бу ерда суръат кундан-кунга тезлаштирилялти. 3 сентябрда 50 тонна пахта терилган бўлса, 4 сентябрда 75 тонна топширилди. 5 сентябрда 90 тонна пахта терилиб қабул пунктига жўнатилди.

Пахта териш ва топширишда агроном Ҳамро Саидов бошлиқ олтинчи бўлим ва ўртоқ Музаффар Қурбонов бошлиқ биринчи бўлим олдинда бораётир. Бу бўлимлар кунига йиллик планнинг 1,5-2 процентн миқдорида пахта тайёрламоқдалар.

— Бўлимимиз ишчилари,— деди ўртоқ Ҳамро Саидов,— жонажон Коммунистик партиянинг Программаси проектидаги илҳомбахш сўзлардан руҳланиб мўл пахта ҳосилини тезроқ йиғиштириб олишга, Ватанимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ пахта етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Бизда теримнинг дастлабки кунлариданоқ ҳамма теримчилар нормани ошириб бажаряптилар. Ўртоқ Саид Тоиров бошлиқ бригада кейинги беш кун ичида йиллик пахта тайёрлаш планини 12 процент бажарди. Бригададаги 18 теримчининг ҳар бири кунига 60 килограмм ўрнига ўрта ҳисобда 120 килограммдан пахта тераётир. Майсара Саидова, Истат Холова, Шарофат Муродова, Латофат Ҳамроева каби илғор теримчиларимиз кунига хирмонга 150-160 килограмм ва ундан ошириб пахта тўкмоқдалар.

Бухоро областидаги йирик давлат хўжаликларидан бири ҳисобланган «Ромитан» совхозининг пахтакорлари КПСС XXII съезди очилиши кунигача йиллик планни ва Октябрь байрамигача социалистик мажбуриятни тўла адо этиш учун курашмоқдалар.

Шу кунларда асосий ишчи кучлари далага сафарбар этилган. Уларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб берилган. Совхоз кунда бир процентдан ошириб пахта топшираётир. 2-3 кундан кейин бу суръат янада ошади.

Ватанимизда, элимизда, юртимизда меҳнат қилган ҳурмат топади. Поп районидаги Жданов номли колхозда Рафоат Ҳамдамова, Уғилхон Меҳмонова ва Иноятой Абдурахмоноваларнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки, улар «оқ олтин» дурдоналарини нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Мавсумда 18-20 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган бу қизлар ҳар куни 150-200 килограммдан пахта теришмоқда. Колхознинг чевар теримчилари меҳнат қилаётган Тургунпўлат Маърупов бошлиқ 4-бригадаси ҳар куни тайёрлаш пунктига 2 процентга етказиб пахта жўнатмоқда. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар. Суратда (чапдан ўнгга): Рафоат ҲАМДАМОВА, Уғилхон МЕҲМОНОВА, Иноятой АБДУРАҲМОНОВА ўртоқлар.

М. Гарипов фотоси.

ЧОРАҚ МИЛЛИОН ЦЕНТНЕР ПАХТА

Андижон областининг колхоз ва совхозлари тайёрлаш пунктларига чорак миллион центнер янги ҳосил пахтасини етказиб бердилар. Бу, ўтган йил шу вақтгача тайёрланган пахтадан бир неча баравар кўпдир. Терим суръати кундан-кунга жадаллашмоқда.

Андижон областида илғор ҳисобланган Ленин райони хўжаликлари ҳозирдаёқ давлатга ҳосилнинг ўндан бир қисмидан кўпроғини сотдилар. Хрушчев номли колхозда теримчилар нормани ўрта ҳисобда бир ярим баравар ошириб бажармоқдалар. Луғмон Исломов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасида ҳар бир колхозчи кунига камида 100 килограмм ва ундан ҳам кўпроқ биринчи сорт пахта термоқда.

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ СОТИБ ОЛМОҚДАЛАР

УРГАНЧ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Область колхозларида катта майдонлардаги пахтани машинада териб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кўпгина пешқадам колхозлар пахта териш машиналарининг ремонтини тугалладилар. Область колхозлари 84 та «ХВС-1,2» маркали пахта териш, 64 та кўрак чувиш машинаси ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олдилар.

Яқин кунлар ичида область колхозлари яна 150 та «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинаси сотиб олади.

ЖАРҚЎРҒОНЛИКЛАР ЖАВОБИ

ТЕРМИЗ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Андижонлик пахтакорларнинг ватанпарварлик ташаббуси Жарқўрғон район механизаторларини руҳлантириб юборди. Улар бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлаш билан бирга, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан янги мажбуриятлар олдилар. Қишлоқ хўжалик механизаторлари 13.828 гектар майдондан давлатга 34 минг тонна «оқ олтин» сотишга, шу жумладан 29 минг тонна қиммат баҳо ингичка толали пахта топширишга, 3 минг тонна пахтани машина билан теришга, 5 минг тоннадан зиёд ҳосилни қоп-қанорсиз ташиб беришга ваъда қилдилар.

Район пахтакорлари съезд очилгандан кунгача йиллик планни 85 процент, съезд ўз ишини тамомлагунча планни тўла бажаришга, Октябрь революциясининг 44 йиллиги кунигача олинган социалистик мажбуриятни тўла адо этишга бел боғладилар. Ленин номли колхоз аъзолари ва ўнлаб далачилик бригадалари 17 октябрга давлат планини ошириб бажаришга қарор бердилар. Сталин номли ва «Коммунизм» колхозларининг механизаторлари съезд ўз ишини тамомлайдиган кунга албатта ғалаба рапорти берамиз, деб айтдилар. Йиғим-терим бошлангандан бери ўтган бир ҳафта давомида жарқўрғонлик пахтакорлар давлатга йиллик планнинг 7 процентн миқдорида пахта сотдилар. Тайёрлов пунктларига ҳар куни 450-500 тонна ёки 1,3-1,5 процентн миқдорида пахта етказиб берилялти. Ленин номли, Сталин номли колхозларнинг азаматларн тез орада кунлик пахта топширишни 3 процентга етказиш ва ундан ҳам ошириш учун курашяптилар.

Механизаторлар 10 сентябрдан машина теримини бошлаб юборишга тайёрлик кўряптилар. «Сурхон» совхозидаги 29 та терим агрегатининг ҳаммаси пайкал четига келтириб қўйилди.

— Юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун барча ички резерв ва имкониятларни ишга соламиз, — дейди райком секретари ўртоқ Д. Алибоев, — бунинг учун ҳар бир далачилик бригадасида терим графиги тузилди. Етиштирилган ҳосил уч-тўрт теримда йиғиштириб олинади. Бунинг натижасида пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўйилмайди, пахта термни сифати ва суръати ошади. Машина теримини икки сменада ўтказиш, соатли графикни тўғри ташкил этиш ва теримчиларга далада зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш ҳам суръатни тезлатишда катта резерв ҳисобланади. Биз ана шуларнинг ҳаммасидан унумли фойдаланиш чораларини кўрмоқдамиз.

А. ХАЛИЛОВ.

Ж. НЕРУ ҲУЗУРИДА ЗИЁФАТ

СССРда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси Бош Министри Жавоҳарлал Неру 7 сентябрда Ҳиндистон элчихонасида зиёфат берди.

Зиёфатда Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, Н. С. Хрушчев ўртоқлар, СССР министрлари П. Я. Антропов, А. А. Громико, В. П. Елютин, СССР Министрлар Советининг Чет эллар билан маданий алоқа Давлат комитети раиси Г. А. Жуков, СССР министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, В. В. Кузнецов, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раисининг ўринбосари И. В. Архипов, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов, Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамиятининг президенти Н. В. Цицин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири В. И. Лихачев, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири вазифасини бажарувчи Д. С. Никифоров ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Ҳиндистон томонидан Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Р. К. Неру, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси С. Датт, Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири элчи В. Х. Коэлъхо, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчихонасининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру Н. С Хрушчевга қарата нутқ сўзлади.

Ж. НЕРУ нутқи

Муҳтарам бош министр жаноблари, дўстлар!

Бизнинг ана шу кичик бир зиёфатимизга келиб, бизга кўрсатган ҳурматингиз учун сиздан ғоят миннатдормиз.

Мен кейинги сафар бу ерга бундан олти йил муқаддам келган эдим. Шу йиллар ичида иккала мамлакатимиз ўртасидаги дўстона алоқалар муваффақиятли ривожланганлигини, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланганлигини ҳаммамиз биламиз ва сизлар ҳам биласиз.

Ҳиндистонда Совет Иттифоқи куриб берган кўп заводлар бор. Сизнинг мамлакатингиз яна бази заводларни қуриб беради. Бхилайдаги катта завод дўстлигимиз ва ҳамкорлигимизнинг абадий символи бўлиб қолди. Ҳамма кичик заводларни ҳисобга олмаганда. Совет ҳукуматининг ёрдами билан қурилаётган камида 7-8 йирик корхона бор. Юзлаб ҳинд практикантлари Сизнинг мамлакатингизда стажировкадан ўтди. Шу заводларнинг ҳаммасини қуришда бизга ёрдам бериш учун сизнинг техникларингиз Ҳиндистонда бўлдилар.

Бизга кўрсатган ҳамма ёрдамларингиз учун, жаноб бош министр, Сиздан ва Сизнинг ҳукуматингиздан ғоят миннатдормиз. Биз бу ёрдамни олганимиздан кейин иштаҳам очилиб кетиб, яна кўпроқ ёрдам сўрашни истаб қолярман, деб кўрқяпман.

Биз сиздан жуда кўп қимматли совғалар олдик, лекин энг қимматли совға — сизнинг дўстлигингиздир. Мен бу дўстликнинг тобора ривожланишига ва мустаҳкамланишига астойдил ишонаман.

Дўстлар, мен дўстлик учун ва жаноб бош министр Жавоҳарлал Неру учун, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик учун қадаҳ кўтаришингизни сўрар эдим!

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С Хрушчев жавоб нутқи сўзлади.

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Муҳтарам бош министр жаноблари!

Жаноблар!

Азиз дўстлар!

Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқи.

Жаноб бош министр, биз Сизни мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшаётган давлат арбоби деб биламиз.

Жаноб бош министр, Сиз билан учрашувлар ва суҳбатлар ҳамиша фойдали бўлиб келди. Биз амнимизки, Совет Иттифоқига қилган шу визитингиз вақтидаги фикр олишувлар ҳам Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларининг бахт-саодати йўлида, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига аввалгидек ёрдам беради.

Тинчликсевар давлат бўлган Ҳиндистон ҳозирги замонниинг кўп масалаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳиндистон бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига бундан буён ҳам ўз ҳиссасини қўшади, деб умид билдиришга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ишончли ва мустаҳкам дўстликдир. Бу дўстлик вақт синовидан ўтди ҳамда совет ва ҳинд халқлари яхши дўст эканлигини кўрсатди.

Совет халқи урушни истамайди. Лекин биз тинчликсеварлик таклифларимизга жавобан ғарбда ҳарбий васваса авж олдирилаётганига ва ўз кўламлари жиҳатидан мисли кўрилмаган ҳарбий тайёргарлик кўрилаётганлигига индамай қараб туролмаймиз. Бу тайёргарликлар Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратилган. Бундай шароитда Совет ҳукумати агар авантюристлар янги уруш бошлаб юборишга журъат этсалар, уларни жиловлаб қўйиш учун мудофаамизни мустаҳкамлаш чораларини кўришга мажбурдир.

Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш принципларига асосланган тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик сиёсатини ўтказиб келди ва бундан буён ҳам шу сиёсатни оғишмай ўтказади. Совет Иттифоқи қуролни ҳеч қачон биринчи бўлиб кўтармайди, ҳеч қачон уруш оловини ёқиш йўлига кирмайди.

Ҳозирги пайтда халқаро вазият агрессорларни халқларнинг мустақиллиги ва озодлигига қасд қилишдан воз кечишга мажбур этиш учун, тинч-тотув яшаш идеяларининг тантана қилиши учун халқларнинг ўз кучларини бирлаштиришларини ва тинчлик учун қатъий кураш олиб боришларини катъий талаб қилади.

Агар ҳамма халқлар ҳушёрлик ва активлик кўрсатсалар, улар инсониятни вайронгарчилик келтирадиган ядро уруши гирдобига тортишга уринадиган ҳар кимни ҳовридан тушира оладилар.

Жаноб Нерунинг соғлиги учун кадаҳ кўтаришни таклиф этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг соғлигингиз учун, жаноб министр, биз Сизни мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшаётган давлат арбоби деб биламиз.

Жаноб бош министр, Сиз билан учрашувлар ва суҳбатлар ҳамиша фойдали бўлиб келди. Биз амнимизки, Совет Иттифоқига қилган шу визитингиз вақтидаги фикр олишувлар ҳам Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларининг бахт-саодати йўлида, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига аввалгидек ёрдам беради.

Тинчликсевар давлат бўлган Ҳиндистон ҳозирги замонниинг кўп масалаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳиндистон бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига бундан буён ҳам ўз ҳиссасини қўшади, деб умид билдиришга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ишончли ва мустаҳкам дўстликдир. Бу дўстлик вақт синовидан ўтди ҳамда совет ва ҳинд халқлари яхши дўст эканлигини кўрсатди.

Совет халқи урушни истамайди. Лекин биз тинчликсеварлик таклифларимизга жавобан ғарбда ҳарбий васваса авж олдирилаётганига ва ўз кўламлари жиҳатидан мисли кўрилмаган ҳарбий тайёргарлик кўрилаётганлигига индамай қараб туролмаймиз. Бу тайёргарликлар Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратилган. Бундай шароитда Совет ҳукумати агар авантюристлар янги уруш бошлаб юборишга журъат этсалар, уларни жиловлаб қўйиш учун мудофаамизни мустаҳкамлаш чораларини кўришга мажбурдир.

Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш принципларига асосланган тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик сиёсатини ўтказиб келди ва бундан буён ҳам шу сиёсатни оғишмай ўтказади. Совет Иттифоқи қуролни ҳеч қачон биринчи бўлиб кўтармайди, ҳеч қачон уруш оловини ёқиш йўлига кирмайди.

Ҳозирги пайтда халқаро вазият агрессорларни халқларнинг мустақиллиги ва озодлигига қасд қилишдан воз кечишга мажбур этиш учун, тинч-тотув яшаш идеяларининг тантана қилиши учун халқларнинг ўз кучларини бирлаштиришларини ва тинчлик учун қатъий кураш олиб боришларини катъий талаб қилади.

Агар ҳамма халқлар ҳушёрлик ва активлик кўрсатсалар, улар инсониятни вайронгарчилик келтирадиган ядро уруши гирдобига тортишга уринадиган ҳар кимни ҳовридан тушира оладилар.

Жаноб Нерунинг соғлиги учун кадаҳ кўтаришни таклиф этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг соғлигингиз учун, жаноб элчи!

Ҳиндистон халқининг равнақи учун!

Бутун дунёда тинчлик учун!

* * *

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ТАХИАТОШДАН НУР КЕЛЯПТИ

ТАХИАТОШ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Бу шаҳар Ватанимиз харитасига яқиндагина ёзилган эди. Қорақалпоғистон АССРнинг энг гўзал ва навқирон шаҳарларидан бирига айланган Тахиатошда республикамизнинг тўғинч энергетика базаси қурилмоқда. Тахиатош ГРЭСи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Тошовуз областларининг шаҳар ва қишлоқларини электрлаштирувчи асосий манба — нур булоғига айланади.

ГРЭС қурувчилари партия XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, Қорақалпоғистон нурхонасининг биринчи навбатини 10 сентябрь куни ишга тушириш учун меҳнат вахтасида туриб ғайрат билан ишламоқдалар.

Биринчи агрегат ишга туширилиши натижасида автоном республиканинг шаҳар ва қишлоқлари 12 минг киловатт электр қуввати оладилар. Станциянинг иккинчи навбати эса Октябрь байрамигача ишга тушади. Натижада қорақалпоқ элининг шаҳар ва қишлоқлари янада чароғон, янада серфайз бўлиб қолади.

Шу кунларда ГРЭС қурилишида иш ғоят қизиб кетди. Кўпжасар Кузенбоев бошлиқ сувоқчилар, Николай Степанов раҳбарлигидаги арматурачилар, Леон Беляев бошлиқ турбиначилар бригадалари Тахиатош нурхонасининг биринчи ва иккинчи навбатларини тезроқ ишга тушириш учун фидокорлик билан ишламоқдалар.

Н. С. ХРУШЧЕВ Ж. НЕРУ БИЛАН УЧРАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 7 сентябрда Кремлда Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Жавоҳарлал Неру билан учрашди.

Учрашув вақтида халқаро аҳволнинг муҳим проблемалари юзасидан, шунингдек совет-ҳинд ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари юзасидан кенг ошкора фикр олишув давом этди.

Учрашув вақтида совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар. Ҳинд томонидан эса, Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Р. К. Неру, Ҳиндистоннинг СССР даги элчиси С. Датт, Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири вакил В. Х. Коэлъхо иштирок этдилар. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ С. СУЛЬЦБЕРГЕР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Америкада чиқадиган «НЬЮ-Йорк таймс» газетасининг ташқи сиёсат обзорчиси Сайрус Сульцбергерни унинг илтимосига мувофиқ Кремлда қабул қилди.

Суҳбат вақтида Н. С. Хрушчев ҳозирги халқаро вазиятга доир саволларга жавоб берди. (ТАСС).

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР да пахта тайёрлашнинг боришн тўғрисида 1961 йил 8 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

ОБЛАСТЛАР	Пахта тайёрлаш (планга нисбатан процент ҳисобида)		пахтани қоп-қанорсиз ташиш (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)
	Бир кунда	мавсум бошидан бери	Мавсум бошидан бери
Сурхондарё	1,25	8,69	2,51
Андижон	1,34	6,51	3,21
Фарғона	1,04	5,01	0,48
Тошкент	0,81	3,77	0,77
Самарқанд	0,85	3,60	0,63
Хоразм	0,92	2,62	0,23
Қорақалпоғистон АССР	0,74	2,40	0,21
Бухоро	0,69	2,17	0,08

Ж. НЕРУ БУГУН ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

ҲИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ

Атоқли давлат ва сиёсий арбоб Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру 1889 йилнинг 14 ноябрида Оллохободда туғилди. Англияда маълумот олди ва 1912 йилда Ҳиндистонга қайтиб келгач, Оллохободдаги Олий судда адвокат бўлиб ишлай бошлади.

1912 йилда Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси сафига кирди ва ўшандан бошлаб, Ҳиндистоннинг сиёсий ҳаётида энг актив иштирок этди. 1918 йилдан бошлаб, Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясининг раҳбарлик органларида узлуксиз аъзо бўлиб келди. 1929, 1936, 1937, 1946 ва 1951-54 йилларда бу партиянинг раиси қилиб сайланди. Жавоҳарлал Неру бир қанча китобларинг, шу жумладан, СССРда ҳам нашр этилган «Ҳиндистоннинг кашф этилиши», «Автобиография» китобларининг авторидир.

Жавоҳарлал Неру миллий-озодлик ҳаракатида актив қатнашди. Мустамлакачиларга қарши ўзининг оташин нутқлари билан мамлакатда катта шуҳрат қозонди. Инглиз ҳукмронлари томонидан неча марталаб қамоққа олинди ва мустамлака Ҳиндистон тюрьмаларида ўн йилга яқин ётиб чиқди.

1947 йил 15 августда Ҳиндистон мустақиллиги эълон қилингандан буён Жавоҳарлал Неру узлуксиз Бош Министрдир. Айни бир пайтда у, ташқи ишлар министри, План комиссиясининг раиси лавозимларини ва бошқа бир қанча давлат лавозимларини эгаллаб келади.

Жавоҳарлал Неру раҳбарлигида миллий саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантириш планлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.



Халқаро муносабатлар соҳасида Жавоҳарлал Неру бошлиқ Ҳиндистон ҳукумати бетарафлик ва ҳарбий блокларда қатнашмаслик сиёсатини ўтказиб келмоқда. Ҳукумат тўла ва батамом қуролсизланиш учун, шармандали мустамлакачилик системасини тугатиш учун, социал-иқтисодий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципи асосида барча жанжалли халқаро масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш учун курашмоқда.

Жавоҳарлал Неру Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш учун курашмоқда ва мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

Жавоҳарлал Неру Совет Иттифоқига биринчи марта 1927 йилда келган эди. Неру иккинчи марта Совет Иттифоқига 1955 йилда келди. Н. С. Хрушчев Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ, 1955 ва 1960 йилларда Ҳиндистонга давлат визити билан борди. Бу тарихий сафарлар Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига келди. Ж. Неру бугун Тошкентга келади.

Совет кишилари Ҳиндистон Бош Министрини қизғин табриклайдилар ва дўст ҳинд халқига ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантириш планларини бажаришда, ўз мустақил давлатини мустаҳкамлашда, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун олиб бораётган курашида янги муваффақиятлар тилайдилар.

XXII СЪЕЗДОЛИЙ МАНЗАРАЛАРИ

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

РАҲБАРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЯҚИН БЎЛСИН

АНДИЖОН, (*АНДИЖОН ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН*).
(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).

<>

Шаҳар партия конференцияси КПСС Программаси ва Устави проектлари ҳақида обком секретари А. П. Буреев ва шаҳарком секретари В. И. Поветко ўртоқларнинг докладларини муҳокама қилди. Делегатлар бу тарихий ҳужжатларни якдиллик билан маъқулладилар.

Шаҳар партия комитетининг ҳисобот доклади қизғин муҳокама қилинди. Докладчи — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Ашуров ва сўзга чиққан нотиқлар хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришилган ютуқларни кўрсатиш билан бирга саноат, қурилиш, транспорт ва савдо ташкилотларидаги жиддий камчиликларни очиб ташладилар.

Бошланғич партия ташкилотлари ва шаҳар партия комитетининг оммани сиёсий-ҳўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги фаолияти ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Шаҳардаги бир қанча саноат корхоналарида кейинги ойларда ишлаб чиқариш планларининг бажарилмаётгани буни яққол кўрсатади. Масалан, областда энг йирик «Строммашина» заводи, 1-пахта заводи, марказий экскаватор-ремонт устахонаси, металл буюмлар заводи, сут-мой заводи ва бошқа айрим корхоналар сакқиз ойлик планни бажармади.

«Строммашина» заводи раҳбарлари планнинг бажарилмаслигига Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашининг машинасозлик бошқармаси томонидан нотўғри план берилганини сабаб қилиб кўрсатадилар. Бу қисман тўғри. Лекин, планнинг бажарилмаслигига асосий сабаб корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотларининг ишлаб чиқаришга юзаки раҳбарлик қилишларидир.

Завод директори Раҳимов ва партия бюросининг секретари Александров ўртоқларнинг кадрлар билан ишлашга расмиятчилик билан қараётганликлари кечирилмас ҳолдир. Айрим цехларнинг бошлиқлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда нўноқлик, принципсизлик кўрсатмоқдалар. Заводда ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган харажатлар кўпайиб кетяпти. Фақат шу йилнинг биринчи ярмида брактан келган зарар 70 минг сўмни, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган харажатлар 90 минг сўмни ташкил этди.

Шаҳардаги 162-қурилиш трести (бошлиғи Шулькевич, партия ташкилотининг секретари Демин ўртоқлар) етти ойлик планни 84 процент бажарди, холос. Трестга қарашли ташкилотларда қолоқлик сабабларини фақат бир нарса билан — объектларда ишчилар меҳнати қониқарсиз уюштирилганлиги, социалистик мусобақага ва омманинг ташаббусига етарли бошчилик қилинмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Қурилиш-монтаж ишларининг сифати ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Масалан, 1-қурилиш бошқармаси гидролиз заводининг теплоэлектроцентрали қурилишида браккa йўл қўйгани оқибатида давлатга 6 минг 200 сўм зарар келтирди. Умуман объектларни фойдаланишга топширгандан кейин бракни тузатиш учун сарфланган маблағ 1960 йил ва шу йилнинг олти ойи давомида 40 минг сўмга етди.

Шаҳарда товар обороти плани ҳам бажарилмаётир. Горпромторг ва умумий овқатланиш трести қониқарсиз ишламоқда. Бу ташкилотларда товар обороти плани бажарилмаслигига сабаб шуки, аҳолининг турли товарларга бўлган талаби яхши ўрганилмаётир, совет савдосининг илғор методлари суст жорий қилинмоқда. Савдо ташкилотларида давлат мулкини ўғирлаш, харидорларнинг ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари юз бераяпти.

Паровоз депоси партия ташкилотининг секретари ўртоқ Овчинников шаҳар партия комитетининг саноат ва транспортга юзаки раҳбарлик қилаётганини кўрсатадиган фактлар келтирди.

— Саноат бўлимининг ходимлари, — деди у, — докладларга материал керак бўлгандагина бизнинг ишимиз билан дурустроқ танишмоқчи бўладилар, аммо бундай ҳолларда вақт зиқ бўлганидан факт тўплашдан нарига ўтолмайдилар. Айрим корхоналарда нўноқ раҳбарларнинг ишлаб келаётганлигига шаҳар партия комитетининг ходимлари кадрларни яхши ўрганмаётганликлари сабаб бўлмоқда.

Ғишт заводлари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Усачев ўз сўзида шаҳар партия комитетини аҳоли ўртасида сиёсий-оммавий ишларни яхши ташкил этмагани учун танқид қилди. Лекторлар корхоналарга «хўжа кўрсинга» юборилади. Уларнинг лекциялари юзаки, ҳаёт билан боғланмаган бўлади.

Делегатлардан пенсионер Глебов, «Андижанводстрой» 2-қурилиш-монтаж контораси бошланғич партия ташкилотининг секретари Леба, 30-мактаб директори Попова ўртоқлар уй-жой қурилиши ва ободончилик соҳасидаги камчиликларни очиб ташладилар, шаҳар партия комитетининг бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермаётганлигини айтдилар.

Конференция муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

* * *

Янги сайланган шаҳар партия комитетининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Э. Ашуров, В. И. Поветко, А. Холматова ўртоқлар шаҳар партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

Н. ҲАКИМОВ.

ҲАММА НАРСАНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Гурлан район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум М. Раҳимов, А. Ким, М. Матқурбонова ўртоқларни район партия комитетининг секретарлари қилиб сайлади.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум М. Раҳимов, А. Ким, М. Матқурбонова ўртоқларни район партия комитетининг секретарлари қилиб сайлади.

С. ИБРОҲИМОВ.

(*ГУРЛАН РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН*).

<>

Гурлан районининг пешқадам кишилари — пахтакорлар, механизаторлар, чўпонлар ва педагоглар партия конференциясига тўпландилар.

Делегатлар КПСС Программаси проекти ҳақида область ижроия комитетининг раиси Н. Муродов, КПСС Устави проекти ҳақида район партия комитетининг секретари М. Матқурбонова ўртоқларнинг докладларини муҳокама қилиб, якдиллик билан маъқулладилар.

Район партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолияти ҳақида райком секретари М. Раҳимов доклад қилди.

Маълумки, Гурлан—Хоразм областидаги хўжалиги кўп тармоқли районлардан бири. Район меҳнаткашлари ҳар гектар майдондан 27 центнердан пахта 60 центнердан шоли ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, мажбуриятга яраша ҳосил тўпладилар.

Сталин номли колхоз райондагина эмас, балки бутун Хоразм областида машъал хўжаликлардан ҳисобланади. Бу артель аъзолари 1360 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта, 1170 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнердан шоли, ҳар гектар маккажўхори майдонидан 700-800 центнердан кўкпоя етиштириш учун курашиб, яхши натижаларга эришяптилар.

Бироқ, райондаги айрим хўжаликларда ишнинг бориши кўнгилдагидек эмас.

Бу йил 6100 тонна пахта машина билан териб олиниши керак. Шунга кўра, 68 та пахта териш машинасини шай қилиб қўйиш лозим эди. Аммо ҳозиргача бу машиналарнинг бир қисми ремонтдан чиқарилгани йўқ.

Районда хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилинмаётгани, кадрларга нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилгани, илғорлар тажрибаси кенг оммалаштирилмаётгани сабабли бир қанча тармоқлар оқсаб қолаётир. Ҳамма имконият бўла туриб, пилла тайёрлаш плани 89 процентда қолиб кетди. Колхозлараро қурилиш ташкилоти ўз олдига қўйилган вазифани қониқарсиз бажармоқда. Ҳатто, бу ташкилот ўзининг молия планига ҳам эга эмас.

— Пахта заводининг директори делегат Р. Ражабов район партия комитетини кадрлар танлашдек муҳим масала билан юзаки шуғулланганини кўрсатиб, бундай деди.

— Кадрларни шахсий сифатларига қараб танлаш принципи бузилганлиги оқибатида заводга тасодифий кишилар суқилиб кириб, ножўя ҳаракатлар билан шуғулландилар. Чунончи Янгибозор пахта пунктининг товароведи Ж. Шарипов ўтган йили қабул қилган пахтадан 1038 тонна кам келди. Ана шундай жинояткорона ишлар туфайли завод катта зарар кўрди.

Карл Маркс номли колхоз раиси Н. Шукруллаев қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтариш зарурлигини уқтириб бундай деди:

— Колхозимизда гектаридан олинаётган ҳосил 22-23 центнердан ошмайди. Айрим бригадаларда эса ҳосилдорлик 13-14 центнерга тўғри келади. Ҳосилдорликнинг пастлигига ерларнинг мелиоратив аҳволи ёмон бўлгани сабаб бўлаётир. Колхозда 5 ой давомида ариқ ва каналлар қазилди. Оқибатда бошқа муҳим ишларни бажариб бўлмайди. Бу ишларга кетган маблағ умумий харажатнинг 30 процентини ташкил қилади. Бу эса пахта таннархининг анча ошиб кетишига сабаб бўляпти.

Конференция қатнашчилари комсомол ва ёшлар, хотин-қизлар билан ишлаш, аҳоля ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш тўғрисида ҳам бир қанча масалаларни ўртага қўйдилар.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди ва район партия комитетининг янги состави сайланди.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум М. Раҳимов, А. Ким, М. Матқурбонова ўртоқларни район партия комитетининг секретарлари қилиб сайлади.

С. ИБРОҲИМОВ.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Оҳангарондаги 9-шахта кончилари ўз касбдошлари, СССР Олий Советининг депутати Анорбой Эргашевнинг уйини жуда яхши билишади. Депутат Эргашев сайловчиларни қабул қилиш учун маълум кун ва соатлар белгиламаган. У ишдан ташқари вақтларида ўз уйида сайловчиларни қабул қилади, маслаҳат сўраб келган кишиларга ўз вақтида ёрдам кўрсатади. СУРАТДА: Анорбой ЭРГАШЕВ 9-шахта ишчиси — сайловчи Абдувоҳид БУРИБОЕВ билан суҳбатлашмоқда.

А. Усмонов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

„МЕН СОВЕТ ФАНИГА ҚОЙИЛМАН“

Доктор Неру олимлар билан суҳбатлашди

МОСКВА, 7 сентябрь. (ТАСС). П. Н. Лебедев номли Физика институти — совет фанининг энг кекса маркази. Ҳиндистон Бош Министри Ж. Неру бугун ана шу институтни келиб кўрди.

Доктор Неруни СССР Фанлар академиясининг президенти М. В Келдиш, академик Е. К. Федоров ва бошқа олимлар кутиб олишди.

Академиямизнинг энг йирик институтларидан бирида Сизни кўриш,—дейди академик М. В. Келдиш меҳмонга мурожаат қилиб,—бизнинг ҳаммамиз учун катта шарафдир. Президент институтнинг тарихини гапириб беради. М. В Ломоносов ҳам шу институт қўчоғида ишлаган эди.

Институт директорининг ўринбосари Ленин мукофоти лауреати Н. Г. Басовнинг айрим лабораторияларининг фаолияти ҳақидаги ҳикоясини Ж. Неру мароқ билан тинглайди. Сўнгги йилларда бу ерда ҳозирги замон фанининг ривожланишида бутун бир даврни ташкил этган ажойиб кашфиётлар бунёдга келди. Совет олимларининг кашфиётлари орасида Вавилов-Черенков эффекти. Космотчи радио ёрдамида разведка қилиш методлари, планетамизни ўраб турган радиацияли минтақаларни кашф этиш каби янгиликлар бор. Атом ядросининг тузилиши тўғрисидаги янги маълумотлар атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш доирасини кенгайтиришга ёрдам берди.

Профессор Н. Г. Басов космик нурларни тадқиқ қиладиган асбоблари доктор Нерута кўрсатади, бу асбоблар совет космик кемасининг ичига ўрнатилган эди. Ж. Неру Н. Г. Басов институт коллективи номидан унга тақдим этган совғани ҳаяжонланиб қабул қилади. Бу — митти вентилятордир. Унинг мотори қуёш батареяларининг кичкина «кўзгуси» ёрдамида юргизилади. Совет олимлари худди шу хилдаги батареялардан космик кемаларда энергия манбаи сифатида фойдаланган эдилар.

Ж. Неру юксак энергияларнинг электронларини тезлатувчи ускуна билан лабораторияларда мароқланиб танишади.

Ж. Неру СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ленин мукофоти лауреати И. М. Франк раҳбарлик қилаётган атом ядроси лабораториясини ғоят қизиқиб кўздан кечирди.

Мен совет фанига қойилман, деди Ҳиндистон Бош Министри совет олимлари билан ҳайрлашар экан. Материянинг янги сирларни кашф этилиши натижасида жаҳонда бошланадиган ўзгаришларни ўйлаб, завқланиб кетаман.

ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ БОЛЬШОЙ ТЕАТРДА

МОСКВА, 7 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Жавоҳарлал Неру бугун Большой театрда «Ромео ва Жульетта» балетини томоша қилди.

Иккала мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган марказий ложада Жавоҳарлал Неру, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ҳозир бўлдилар.

Марказий ложада Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Р. К. Неру, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси С. Датт, Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири Эчи В. Х. Коэльхо ҳам бор эдилар.

Спектакль бошланиши олдидан оркестр Ҳиндистон Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат гимнларини ижро қилди.

Театрда ҳозир бўлган кишилар Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру билан Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевни самимий табриклашдилар.

Ж. Неру В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейида бўлди

Расмий визит билан Москвада меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси Бош Министри Жавоҳарлал Неру 7 сентябрь В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейида бўлди ҳамда гулчамбар қўйди.

Ж. Неру билан бирга Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Р. К Неру, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси С. Датт, Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири вакил В. Х. Коэльхо, Ҳиндистон элчихонасининг ходимлари ҳам Мавзолейда бўлдилар.

СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А Бенедиктов, Москва Кремлининг коменданти генерал-лейтенант А. Я. Веденин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари Д. С. Никифоров ва бошқалар Ҳиндистон бош министри Ж. Неруга ҳамроҳ бўлдилар. (ТАСС).

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Франциянинг Тунис Республикаси территориясига қарши агрессиясига доир масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессияси томонидан муҳокама қилиб бўлинганлиги муносабати билан Тунис республикасининг президенти Ҳабиб Бургиба Н. С. Хрушчевга ва Л. И. Брежневга телеграммалар юборди.

Қўллаб-қувватлаганликлари учун, шунингдек совет делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида олиқаноб позиция тутганлиги учун Ҳабиб Бургиба Н. С. Хрушчевга, Л. И. Брежневга, Совет ҳукуматига ва халқига шахсан ўз номидан ҳамда Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий миннатдорчилик изҳор қилади. (ТАСС).

Доктор Кваме Нкрума Қримга жўнаб кетди

Гана Республикасининг президенти ва ҳукумат бошлиғи доктор Кваме Нкрума Қора денгиз бўйида дам олишни давом эттириш учун 7 сентябрда Москвадан Қримга жўнаб кетди.

Внуково аэродромида доктор Кваме Нкрумани СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев ва бошқа расмий кишилар узатиб қолдилар. (ТАСС).

КОММУНИЗМ—ИНСОНИЯТНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ

Коммунизм тўғрисида биринчи марта илмий фикр 1848 йилда — «Коммунистик партиянинг Манифести»да баён қилинди. К. Маркс ва Ф. Энгельс **«Европа бўйлаб бир шарпа оралаб юрибди, бу коммунизм шарпасидир»** деб ёзган эдилар. «Коммунистик партиянинг Манифести»да баён қилинган принциплар ҳаётга татбиқ этилиб, ер юзида ҳаммадан кўра прогрессив, ҳаммадан кўра илғор ижтимоий тузум — социализм тузилди. Ер шарининг олтидан бир қисмида социализм ғалаба қилди. Социализм ҳозир бутун дунёда ҳаракатга келтирувчи буюк куч бўлиб қолди.

Прогрессив инсониятнинг бу улуғвор курашида ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ҳал қилувчи ғалабаларга эришган Совет Иттифоқи ҳозир ҳаммадан кўра кўпроқ ер юзидаги прогрессив кучларнинг диққат марказида турибди. Ҳозирги замон тарихининг энг муҳим воқеаларидан бири — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди ана шу ҳақиқатни яна бир марта ёрқин кўрсатиб берди.

Съезд ҳозирги замон тарихининг энг муҳим масалаларини — КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиб, ер юзидаги барча прогрессив кучларнинг диққатини ўзига тортди. Ҳозирги замон тарихининг энг муҳим масалаларини — КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиб, ер юзидаги барча прогрессив кучларнинг диққатини ўзига тортди. Ҳозирги замон тарихининг энг муҳим масалаларини — КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиб, ер юзидаги барча прогрессив кучларнинг диққатини ўзига тортди.

Коммунизм — инсониятнинг порлоқ истиқболи. Коммунизм — ишлаб чиқариш воситалари бир бутун умумхалқ мулки бўлган синфсиз ижтимоий жамият бўлиб, бу жамиятда одамларнинг ҳар томонлама камолатга етиб бориши билан бирга доимо ривожланадиган фан ва техника асосида ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам ўсиб боради, ижтимоий бойликнинг барча манбалари тўлиб-тошиб туради «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша», деган буюк принцип амалга ошади.

Коммунизм — эркин ва онгли меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган жамиятидир. Бу жамиятда ижтимоий ўз-ўзини бошқариш қарор топади, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳамма учун биринчи ҳаётий эҳтиёж бўлиб қолади.

Юксак коммунистик онг, меҳнатсеварлик ва интизом, жамият манфаатларига садоқат — коммунистик жамият кишисига хос фазилатлардир.

Коммунизмда фан ва техниканинг тўхтовсиз тараққий қилиши натижасида ижтимоий ишлаб чиқариш системали равишда ривожланиб боради, меҳнат унумдорлиги бениҳоя ўсади. В. И. Ленин ўзининг «Буюк почин» асарида айтганидек, «Коммунизм — эркин, онгли, бирлашган ва илғор техниками қўлланаётган ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги, капитализмга нисбатан юқори меҳнат унумдорлиги демакдир».

Коммунизм кишилари қудратли ва энг мукаммал техника билан қуролланган бўлиб, уларнинг табиат устидан ҳукмронлиги ғоят баланд даражага кўтарилади, табиатнинг стихияли кучларини тобора кўпроқ ва тўлароқ бошқаришга имкон туғилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бепоён қўриқ ерлар ўзлаштирилмоқда, ер ости ва уст бойликларидан борган сари самарали фойдаланилмоқда, азим дарёларни жиловлаб, гигант гидроэлектростанциялар қурилмоқда. Печора ва Шимолий Двина дарёлари оқимини буриб, уларнинг сувлари Волга дарёсига қўшилади, Шимолий Муз океанига қуйиладиган дарёларнинг баъзилари Қозоғистон ва Ўрта Осиёда янги пахтазорларни, мевазор боғу бўстонларни сугорадиган бўлиб қолади.

Коммунизм — синфсиз жамиятдир. Бу жамият тўла ғалаба қилганда синфлар ўртасидаги тафовут битирилади. В. И Ленин айтган эдики, коммунистик жамиятда синфлар тугатилгач унда ишлаб чиқарувчи ҳодимлар колади, ишчилар билан деҳқонлар бўлмайди. **Коммунизмда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут ҳам барҳам топади.** Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва меҳнатнинг характери жиҳатидан, ишлаб чиқариш муносабатларининг формалари, маиший шароитлар, аҳолининг фаровонлиги жиҳатидан қишлоқ шаҳар даражасига кўтарилади. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг битирилиши эса ишчилар билан деҳқонлар ўртасидаги тафовутнинг тугашига олиб келади.

Бу процесс ҳозирда тўхтовсиз равишда ривож топмоқда. Колхозларнинг механизациялашган комплекс ва йирик хўжаликларга айланиши, колхозлараро электростанциялар, айрим ишлаб чиқариш корхоналари — ғишт заводлари, пахта тозалаш заводларининг пайдо бўлиши, қишлоқ қиёфасининг кескин ўзгариши — қишлоқларда шаҳар типидаги уй-жойлар, бинолар, мактаблар, мактаб-интернатлар, водопровод, радио, телевидение, телефон, касалхоналар, туғруқхоналар, стадионлар ва бошқа хилма-хил янгиликларнинг барпо этилаётганлиги ана шу процесс тез ривожланаётганидан яққол дарак беради.

Коммунизмда жисмоний ва ақлий меҳнат ўртасида фарқ қолмайди. Коммунистик жамиятнинг олий босқичи мавж урганда, кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат узвий суратда бирлашиб кетади. Интеллигенция алоҳида социал қатлам бўлмай қолади, чунки жисмоний меҳнат ходимлари ўз моддий техника савияси жиҳатидан ақлий меҳнат кишилари даражасигача кўтарилади.

Коммунизм — мўл-кўлчиликдир. «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган буюк принцип тўла амалга ошади, коммунистик жамият аъзоларининг моддий ва маданий эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилади. Кишиларнинг талаблари ижтимоий фондлар ҳисобидан қондирилади. Шахсий истеъмол буюмлари ҳар бир жамият аъзосининг тўла эгалиги ва ихтиёрига ўтади.

Коммунизмда кишиларнинг меҳнат характери бутунлай ўзгаради. Меҳнат мажбуриятдан ҳар бир шахснинг табиий талабига, ички заруратига, одат кучига айланади. Бунга ишлаб чиқаришни юксак даражада уюштириш, техникани ниҳоятда ривожлантириш ва кишиларда ҳақиқий юксак онг, яъни коммунистик онгни ўстириш орқали эришилади.

Ҳозирги кунларда мамлакатимизда коммунистик меҳнатнинг дурдона куртаклари, ғунчалари ўсиб чиқди: коммунистик меҳнат удорниклари, коммунистик меҳнат бригадалари, гаганованчилар ҳаракати буларнинг ёрқин намуналаридир. КПСС ва Совет ҳукумати ана шу ғунчаларни етилган, кўркам очилган гулларга айлантириш учун ўз Программасида ғоят катта тадбирлар белгилади.

Партиянинг коммунистик тарбия ва идеология ишларидаги бош вазифаси — жамиятнинг барча аъзоларида меҳнатга коммунистик муносабатни ўстиришдан иборат бўлиб, бу коммунизм олий босқичини қуришнинг энг мураккаб проблемаларидан биридир. Шунинг учун ҳам коммунистик қурилиш кенг авж олган ҳозирги даврда КПСС коммунистик тарбия масалаларига алоҳида аҳамият бермоқда.

Коммунизм ижтимоий ҳаёт тузилишининг олий формасидир. Давлат ўз сиёсий функциясини йўқотади, фақат хўжаликни планли равишда, илмий асосда бошқариш функцияси қолади, холос. Юксак уюшган жамиятнинг онгли аъзолари ўзларини ўзи бошқарадиган бўлиб қоладилар.

Коммунизм даврида миллатлар иқтисодий-сиёсий ва маънавий манфаатларнинг тўла бирлиги, қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик асосида бир-бирига ҳар томонлама яқинлашиб боради. Социализм даврида миллатлар янада ривожландилар, иқтисодий, маданий соҳаларда ажойиб ютуқларга эришдилар Ана шундай ривожланиш процессида мазмун жиҳатидан социалистик ва шакли жиҳатидан миллий ҳисобланган совет халқларининг маданияти ўзаро бойиб боради ва пировард натижада миллатлар ўртасидаги фарқлар йўқ бўлиб кетади, миллатларнинг бир-бирига кўшилиб кетиши реал бўлиб қолади. мазмуни ва шакли бир хил бўлган ягона маданият — коммунистик маданият юзага келади.

Коммунизм — озод кишининг истеъдод ва талантлари, энг яхши ахлоқий хислатлари равнақ топадиган ва тўла намоён бўладиган тузумдир. Оилавий муносабатлар моддий гаразлардан батамом тозаланади ва бир-бирига муҳаббат ва дўстлик хислари мустаҳкам қарор топади.

Коммунистик партия мизнинг олий мақсади — инсониятнинг порлоқ истиқболи коммунистик жамият барпо этишдир. Партиянинг **«Ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровонлиги учун»** — деган шиори тўла амалга ошади Ана шу олий мақсадни амалга ошириш учун мўл-кўлчилик бўлиши керак. Мўл-кўлчиликка эса коммунизмнинг моддий - техника базасини яратиш ва жамият аъзоларида коммунистик онгликни ўстириш орқали эришилади. КПСС Программаси проектида кўрсатилганидек, коммунизмнинг моддий-техника базаси йигирма йил мобайнида барпо этилади. Бу — Коммунистик партия ва Совет халқининг асосий иқтисодий вазифасидир. Партия ана шу асосий иқтисодий вазифани белгилар экан, В. И. Ленининг **«Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир»**, деган доҳиёна формуласига амал қилади.

Мамлакатимизда 1961-1970 йилларда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш соҳасида ҳал қилувчи ишлар бажарилади. 1971-1980 йилларда эса коммунизмнинг моддий-техника базаси яратилади, барча аҳоли моддий ва маънавий неъматлар билан мўл-кўл таъминланади, совет жамияти эҳтиёжга яраша тақсимлаш принципини амалга оширишгача келиб етади, аста-секин бир бутун умумхалқ мулкига ўтилади. Шундай қилиб, СССР халқлари асл мақсадга эришадилар, яъни **мамлакатимизда асосан коммунистик жамият қурилади.**

Инсониятнинг порлоқ истиқболи халқнинг юксак иродаси, унинг зўр меҳнати, эскиликка қарши сабот ва матонатли кескин курашга, маҳкам бирдамлиги асосида, жамият тараққиёти қонунлари билан қуролланган, совет халқининг синалган жанговар авангарди — ленинчи Коммунистик партия етакчилигида қўлга киритилади.

И. ИСОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг старший илмий ходими.

ОЗАРБАЙЖОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

БОКУ, 6 сентябрь. (ТАСС) Озарбайжон Компартиясининг XXV съезди бугун бу ерда зўр сиёсий кўтаринкилик вазиятида иш бошлади.

Съездни Озарбайжон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов очди.

Съезднинг раҳбар органлари сайланганидан сўнг, содиқ ленинчи, коммунизмнинг толмас курашчиси ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитетининг Президиуми делегатларнинг узоқ давом этган қарсаклари остида фахрий президиумга сайланади.

Съезд кун тартибида КПСС Программаси ва Устави проектларини, Озарбайжон КП Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш, Озарбайжон Компартиясининг раҳбар органларини ҳамда КПСС XXII съездига делегатлар сайлаш масалалари бор.

Съездда Озарбайжон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Е. Семичастнийнинг КПСС Программасининг проекти тўғрисидаги доклади ҳамда Озарбайжон КП Марказий Комитетининг секретари Н. М. Гаджиевнинг КПСС Уставининг проекти тўғрисидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда

БУГУН ПАХТА ФРОНТИДА

Узбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 6 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Деҳқонобод	14,73	Жомбой	3,40	Бекобод	1,49
Ленин	12,15	Узбекистон	3,35	Сирдарё	1,42
Ғузор	11,32	Ҳолдевонбек	3,32	Хўжаобод	1,40
Поп	11,16	Чиноз	3,15	Хонқа	1,34
Шаҳрисабз	9,79	Фрунзе	2,94	Янгиер	1,31
Пахтаобод	8,96	Пастдарғом	2,91	Комсомол	1,29
Жарқўрғон	8,81	Тўрткўл	2,86	Беруний	1,27
Бешкент	8,73	Галлаорол	2,84	Қарши	1,23
Чуст	8,37	Қоракўл	2,76	Вобкент	1,17
Яккабоғ	8,24	Ромитан	2,70	Шовот	1,05
Ангор	7,30	Марғилон	2,65	Хатирчи	1,01
Шеробод	7,19	Қўшкўпир	2,61	Гулистон	0,98
Чироқчи	7,02	Учқўрғон	2,56	Олтиариқ	0,85
Сариосиё	6,64	Норин	2,52	Булунғур	0,83
Косон	6,54	Наманган	2,50	Нарпой	0,83
Юкори Чирчиқ	5,77	Избоскан	2,44	Гурлан	0,78
Пойариқ	5,72	Ленинград	2,44	Чимбой	0,68
Олтинкўл	5,58	Тўракўрғон	2,38	Шофирикон	0,65
Пискент	5,57	Марҳамат	2,32	Иштихон	0,60
Жиззах	5,52	Косонсой	2,30	Каттақўрғон	0,55
Оржоникидзе	5,51	Фарғона	2,22	Ғиждувон	0,45
Сталин	5,39	Ўрта Чирчиқ	2,18	Тахтакўпир	0,48
Қамаши	5,21	Янгийўл	2,18	Ҳазорасп	0,48
Андижон	5,19	Хева	2,14	Амударё	0,32
Чинобод	4,51	Қўрғонтепа	1,92	Янгиариқ	0,30
Шўрчи	4,46	Бўка	1,88	Қуйи Чирчиқ	0,29
Денов	4,29	Оққўрғон	1,86	Бухоро	0,27
Балиқчи	4,11	Уйчи	1,36	Урганч	0,24
Бағдод	4,01	Жалақудуқ	1,83	Навоий	0,22
Китоб	4,00	Охунбобоев	1,81	Кегайли	0,16
Қува	3,94	Куйбишев	1,63	Пахтакор	0,11
Термиз	3,81	Киров	1,61	Самарканд	0,04
Янгиқўрғон	3,75	Бўз	1,58	Оқдарё	0,03
Ворошилов	3,53	Қўқон	1,50	Хўжайли	0,03

ЮР ТЕРАМИЗ, ДУР ТЕРАМИЗ!

Салом сенга, нуқрасоч далам
Кўнглимдай кенг бағринг оч, далам!
Соғинганман кўрай деб келдим,
Тўйиб гаштинг сурай деб келдим.
Эрта тонгдан кумуш мавжингга
Яна кўкрак урай деб келдим.
Соғинганман, кўрай деб келдим.
Куч сиғмаган билагим бордир,
Тинчимаган юрагим бордир
ХВСга ҳавас қўйганман,
Унга минмоқ тилагим бордир,
Куч сиғмаган билагим бордир.

Айт, бу — олтин чаноқларингми
Сўзга очган дудоқларингми?
Шабнам қўнган момиқ пахталар
Маржон терли ёноқларингми?
Ёки юлдуз — қўноқларингми?

Тонг, зар сочин силкитиб қуёш
Шуъла тўкса сенга, бекиёс —
Бир манзара бўлурки пайдо
Олтин далам, фақат сенга хос!
Таърифингга достон битсам оз.

Тонг уфқининг чеҳраси лола,
Тонг нурлари мисли шалола —
Чаноқларинг олтин пиёла.
Ҳар қатра нур—бир заррин тола
Тонг уфқининг чеҳраси лола.

Пахта эмас, нур терамиз, нур,
Бу денгиздан дур терамиз, дур.
Миллион кўзлар бизга интизор,
Қани, дўстим, юр терамиз, юр?
Этак-этак нур терамиз, нур!

Эркин ВОҲИДОВ.

Автомашиналарнинг техник ҳолати яхшилансин

Давлатга 3.200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мавжуд техникаларни, айниқса автомашиналарни кўздан кечириб, тахт қилиб қўйишлари керак эди. Аммо баъзи жойларда бу муҳим ишга тегишинча баҳо берилмаётир.

Колхоз ва совхозларнинг автопарклари кўздан кечирилганда бу нарса айниқса яққол кўринди. Жумладан, Самарқанд область, Нурота районидаги «Қизилча» совхозида (директори Бекжонов, бош инженери Ҳамидов ўртоқлар) автомашиналарни сақлаш ва улардан фойдаланишнинг элементар қоидаларига ҳам риоя қилинмаётир. Машиналар то ишдан чиққунча ишлатилади. Баъзан машинани ишқариш ҳуқуқига эга бўлмаган кишиларга топшириб қўйилади. Шоферларга биркитилган машиналар гаражда сақланмай шоферларнинг уйларида сақланаётир. Шунинг учун ҳам текширишда мавжуд 20 автомашинадан фақат 8 тасигина гузук эканлиги аниқланди.

Райондаги «2-Қўшробод» совхозида ҳам ана шундай ҳолни кўриш мумкин.

Областнинг Пахтакор ва Жомбой районларидаги колхозлар автомашиналарининг техника ҳолати айниқса ачинарли аҳволда.

Сурхондарё область колхоз ва совхозларидаги автомашиналарнинг ҳам техника ҳолати паст. «Деҳқонобод» совхози автопаркидаги машиналарнинг фақат 37 процентининггина техника ҳолати дуруст. Бойсун районидаги «Сайроп» совхозидаги машиналарни кўздан кечирилганда 35 автомашинадан фақат 13 тасининг техника ҳолати яхши эканлиги аниқланди.

Шунингдек Андижон, Бухоро ва Хоразм областларида ҳам автомашиналар қониқарсиз аҳволда сақланаётир. Бухоро область колхозларга ҳузуридаги автопаркларда машиналарнинг техника ҳозирлиги 63,5 процентнигина ташкил этади.

Аҳвол шу ҳолда борар экан йиғим-терим қизиган пайтда автомашиналарнинг бехатар ишлашини таъминлаш қийин.

Колхоз ва совхозларнинг партия ва касаба союз ташкилотлари бу соҳада оперативлик кўрсатишлари, автомашиналарнинг техника ҳолатини яхшилашга бошчилик қилишлари керак.

М. БЛИНОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги милиция бошқармасининг бош давлат автоинспектори.

Сиз суратда кўриб турган қиз, Чирчиқдаги «Узбекхим. маш» заводининг электротехника лабораториясида ишлашади. Назира Ҷошматова ва Надя Минаева ўртоқлар ўз меҳнатлари ва жамоат ишларида англив қатнашишлари билан коллективнинг ҳурматини қозонишган. Улар бу корхонага дастлаб шогирд бўлиб келишган эди. Ўз устларида қунт билан ишлашлари, билим ва тажрибаларини ошириш учун ҳаракат қилганликлари сабабли ҳозир энг яхши мутахассислардан бўлиб қолдилар. Дугоналар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишмоқда. Надя ишлаб турибоқ индустриал техникумни тамомлади. Назира эса Политехника институти кечки бўлимининг тўртинчи курсида муваффақият билан ўқияпти. Ёш ишчилар ўзларига топширилган вазифани виждонан адо этадилар ва иш жараёнларини такомиллаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

О. Леван фотоси.

„СКО-4“ МАШИНАСИ ДАЛАЛАРИМИЗГА ТЕЗРОҚ ЧИҚСИН

Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Ўзбекистон павильонида ихчам ишланган зангори «СКО-4» кўрак йиғиш машинаси қўйилган. Бу машина республикамиз конструкторларининг сўнгги ютуқларидан биридир.

Аммо бу ажойиб машина ҳали далаларимизга чиққанича йўқ. Уни кўплаб ишлаб чиқаришни кечикмоқда. Асосий жавобгар «Чирчиксельмаш» заводининг раҳбарларидир. Бу ажойиб машинани оммавий тарзда ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олган «Чирчиксельмаш» заводи август ойида «СКО-4» машинасидан фақат бир донагина ишлаб чиқарди. План бўйича эса 10 та машина ишлаб чиқариши зарур эди.

«СКО-4» машинасини кўплаб ишлаб чиқариш юзасидан зарур тайёргарлик ишлари ҳали ҳам тугамагани сабабли шундай кўнгилсиз аҳвол рўй бермоқда.

«Чирчиксельмаш»нинг 3-механика-йигув цехида (бошлиғи ўртоқ Шпербер) «СКО-4» машинасини йиғиш учун махсус участка ҳозирланган. Бу ерга фрезер ва токарлик станоклари аллақачон келтирилган бўлса ҳам, улар техника шартларига мувофиқ тарзда ўрнатилмаган. Иш қизиб кетиши лозим бўлган бу участкада ҳануз жимжитлик. Корхонанинг янги маҳсулоти — «СКО-4» машинаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Станоклар етишмаяпти, пайвандлаш ускуналари оз.

«СКО-4» машинасини бўяш ва уни синовдан ўтказиш ишларини бошқа бинода ўтказиш керак. Шу мақсадда қурилаётган бино ҳали ҳам қуриб битказилмаган. 225-қурилиш бошқармасининг бинокорлари бу муҳим ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга топширишни кечиктирмоқдалар. Кранни монтаж қилиш тамомланмаган. Ҳозиргача синаш стендлари, бўяш ускуналари ўрнатилмаган. Заводнинг бош технологи ўртоқ Великий «Бўяш ускуналари ўрнатишнинг нима керак? бор? Ҳаво иссиқ-ку!»,—дейди хотиржамлик билан.

«СКО-4» машинасини кўплаб ишлаб, чиқаришга инструментлар штамповкаси ва механика-йигув цехи учун оснастканинг камлиги сабаб бўлмоқда. Инструментал цехи шу соҳадаги заказларни суслик билан бажармоқда. Шунингдек, технологларнинг пухта ишламаганликлари сабабли, штампларни ва бошқа буюмларни қайтадан ишлаш ҳоллари рўй бермоқда. Баъзи вақтларда модель ва қуюв цехлари ҳам заказларни ўз вақтида бажармаяптилар. Қуюв цехи штамплар тайёрлашни кечиктирмоқда. Инструментал цехи коллективи 1 августгача планда кўрсатилган 214 штамп ўрнига, 166 та штамп етказиб берди. Баъзи мосламаларни етказиб бериш ҳам худди ана шу цех айби билан кечикмоқда. Янги машина ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича баъзи ишларни энергетиклар ва корхонанинг бошқа цехлари ҳам ўз вақтида бажармаяптилар.

«СКО-4» машинасини ишлаб чиқаришда бошқа корхоналар ҳам ёрдам беришлари керак. «Ташсельмаш» заводи 34 номда кулранг чўян ва алюминийдан ишланган деталлар етказиб бериши керак. «Узбексельмаш» заводи эса чўзиладиган чўяндан ясалган 13 хил буюм етказиб беришни ўз зиммасига олган. Ҳозиргача ана шу корхоналар юқоридаги буюмлардан бир неча дона юбориши, холос.

«СКО-4» машинасини ишлаб чиқаришга тайёргарлик ўтган йили бошланган эди. Аммо бу муҳим ишга ўта кетган даражада эътиборсизлик билан қараш натижасида шу йил август ойида ҳам «СКО-4» машинасини ишлаб чиқариш кенг кўламда бошлаб юборилмади.

Янги серунум машинани кўплаб ишлаб чиқариш кечикмоқда. Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик бошқармасининг раҳбарлари «СКО-4» машинаси ишлаб чиқаришни жадаллаштириш чораларини кўришлари керак. Пахтакорларимиз бу ажойиб машинани сабрсизлик билан кутмоқдалар.

В. ПРИШЧЕПА,
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг штатсиз мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШИ МАШИНАСОЗЛИК БОШҚАРМАСИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

□ □ □

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Самарқанд область, Норпой районидаги совхоз ва колхозларда қурилиш ва ободончилик ишларига катта эътибор берилаётир. Кўплаб янги уй-жойлар, жамоат бинолари қад кўтармоқда, узумзор, мевазор боғлар вужудга келмоқда.

Райондаги «Победа» колхози (раиси ўртоқ Ҳ. Раҳматов) юқори ҳосилли колхозлардан бири ҳисобланади. Колхоз ўтган йили 2250 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтариб, пахтачиликнинг ўзидан 9 миллион сўм даромад қилди. Колхозда қурилиш ишлари кенг авж олдирилмоқда. 1961 йилнинг етти ойи ичида колхознинг 7 бригадасида 5 хоналик янги типда 7 болалар яслиси қурилди. Шунингдек, 110 сигир сиғадиган сигирхона, 150 чўчқа сиғадиган чўчқахона қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, колхоз 17-ўрта мактабга 6 хонали қўшимча бино, 18-етти йиллик мактаб учун 12 хонали янги бино қуриб берди. Ўтган йили 120 колхозчи ўзига янги уй-жой қуриб олди.

Ленин номли колхозда ҳам қурилиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Кейинги 2 йил ичида колхозда янги типда 3 сигирхона қурилиб механизациялаштирилди. 200 чўчқа сиғадиган чўчқахона, 7 дала шийпони, паррандахона, механохона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Карл Маркс номли колхозда 7500 кишига мўлжалланган клуб қурилмоқда.

Районда қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир.

У. АЛИҚУЛОВ.

НУКУСДА САВДО-СОТИҚ ИШЛАРИ ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

Нукус шаҳар матлубот жамияти аҳолининг кун сайин ўсиб бораётган талабини қондирмаётир. Саноат, озиқ-овқат товарлари ва уй-рўзғор асбоблари етказиб беришда аҳолининг эҳтиёжлари ҳисобга олинмайди. Савдо шохобчаларига ихтисослаштиришга эътибор кам. Витриналар етарли ташкил қилинмаган. Магазинларда ўзўзига хизмат қилиш кенг қўлланилмаётир.

Баъзи савдо шохобчаларида савдо қоидалари қўпол равишда бузилаётир. Харидорларнинг ҳақига хиёнат қилиш, метр билан ўлчашда ҳам, тарозида тортишда ҳам уриб қолиш, уларга нисбатан қўполлик қилиш фактлари учрамоқда. 83-магазин мудири Саманашвили товарларнинг ассортиментини таъмин этмайди. Харидорларга қўпол муомала қилади. винони очиб сотади. 26-магазинда айниган озиқ-овқат товарларининг сотилишига йўл қўйилмоқда. 5-магазинда эса энг зарур товарлар прилавка остида сақланиб, ошна-оғайниларга ошириламоқда. Кўпчилик озиқ-овқат магазинларидан сариёғ ёки конфет олсангиз, катта қалин қоғозга ўраб берилади, аммо тарозининг иккинчи палласига қоғоз қўйилмайди. Шундай қилиб, харидорлар ҳақидан граммлаб, тийинлаб уриб қолинади.

Шаҳар жамоат овқатланиш корхоналарида аҳвол қаддан ташқари ёмон. Санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилинмайди. Кафе, ошхона ва чойхоналарда, кухняларда пашша ва чивинга қарши курашилмайди.

Бундан 4 ой муқаддам шаҳарда парҳез овқатлар ошхонаси ташкил этилди. Бу ошхонанинг вивескаси парҳез холос. Ошхонада эрталаб сут, қатиқ, қаймоқ ва сарзёғ топилмайди. Парҳез овқат пиширилмайди. Бош ошпаз Гензамуратова эса парҳез овқат пиширишни билмайди. Буфетчи Д. Т. Лопатина эса кўрандалар ҳақидан урзб қолгани қолган. Ҳатто парҳез ошхонада спиртли ичимликлар ҳам сотиб турилади.

1-ресторанда тухум ва пирожна сотиш ташкил қилинган. Кухня ишчиси Уразбоева фактурсиз хом тухум ва пирожналарни ошиқ баҳода сотади. Ресторан директори ўртоқ Ниязимбетов ҳар бир тухумни 6 тийиндан олиб, яна шу хом ҳолатида 9 тийиндан сотдириб, савдогарлик билан шуғулланади.

13-ошхона кухнясининг ишчиси Бекжонова ҳам 40 килограмм колбасани ошиқ баҳода сотган. Шаҳар матлубот жамияти ошхона директори ўртоқ Абдуллаевга чора кўриш ўрнига Бекжоновага виговор эълон қилиш билан чекланган, холос. 19-гастрономда (директори ўртоқ Бикетов) ҳам кишилар ҳақига хиёнат қилинмоқда. Гастрономда шиқоят дафтарларига ёзилган ҳаққоний талаблар оқибатсиз қолиб кетмоқда.

Шаҳар матлубот жамиятининг раҳбарларя савдо қоидаларининг бузилмаслиги учун курашмайдилар. Улар камчиликларни қайд қиладилар, холос. Жамиятнинг ташкилий бўлим мудири ўртоқ Қалбаев эса шиқоят дафтарларини улашади, лекин аҳолининг талабларини, эҳтиёжларини ўрганмайди.

Ўртоқ Жайберганновнинг шаҳар матлубот жамияти раислигига сайланганига анча вақт бўлиб қолди. Лекин раис ўзига ишонч ишончи оқламаётир. У совет савдоси қоидаларининг бузилишига йўл қўймоқда. Савдо кадрларини жой-жойига қўйиш, халқнинг ҳақига кўз олайтирадиган ҳодимларга нисбатан муросасиз кураш олиб бориш ўрнига ошна-оғайнигарчилик қилмоқда.

Шаҳар ижроия комитети ва республика матлубот жамиятининг раҳбарлари шаҳарда савдо-сотиқ ишларини яхшилашга қачон киришадилар?

С. ЛЕОНТИЧЕВА,
Область касаба союзлари Совети ҳузуридаги Нукус шаҳри бўйича жамоат контроли комиссиясининг раиси.

Р. ЭШИМБЕТОВ,
«Коммунизм ғалабаси» газетасининг ходими.

С. ИБРОҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг мухбири.

ГАЗЕТХОНЛАР ЁЗАДИЛАР

УРГАНЧ шаҳридаги 167-қурилиш ташкилоти коллективи олти ой ичида тўртта 18 хонали уй-жой, юз ўринли болалар боғчаси ва тўртта ётоқхона қуриб ишга туширди.

М. СУЛТОНОВ.

САМАРҚАНД районидаги Энгельс номли колхоз қишлоғининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда. Колхозда янги болалар боғчаси, магазин ва ўрта мактабга қўшимча 11 синфхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

М. ҲАЙДАРОВ.

АНДИЖОН область, Янгиқўрғон районидаги «Москва» қишлоқ хўжалик артелида колхозчилар учун 33 ўринли санаторий қурилди. Ҳозир санаторийда колхоз аъзолари кўнгилли дам олишяпти.

Ғ. ОРИПОВ.

СТАЛИН район колхозлараро қурилиш ташкилоти 10 минута товуқ боқиладиган колхозлараро товуқхона қуриб ишга туширди.

Й. ЙЎЛДОШЕВ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ПРОКУРОР ЖИНОЯТЧИЛАРГА ҲОМИЙЛИК ҚИЛМОҚДА»

Қорақалпоғистон АССР, Амударё районида кейинги йилларда партия ва давлатнинг кўзини бўяш, ҳисоботларни бўрттириб ёзиш, алдамчилик ва жамоат мулкига хиёнат қилиш фактлари юз бермоқда. Прокурор давлат назоратчиси бўлиши, қонунларнинг озгина бўлса ҳам бузилишига асло йўл қўймаслиги, совет қонунчилигини мустаҳкамлаш, уни тўғри амалга ошириш учун жон дили билан курашмоғи керак. Афсуски, Амударё район прокурори М. Тўлаганов ўзига юклатилган шарафли вазифани кўнгилдагидек бажармаётир, у баъзи растратчиларга ва текинхўрлик билан кун кўрувчиларга ҳомийлик қилмоқда. Кўп ҳолларда кўзбўямачилар ва жиноятчиларнинг жиноий ишини атайлаб граждалик ишига ўтказиб юбормоқда. Ёки жиноятчини ўз паноҳида сақлаб қолишга уринмоқда. Газетамизнинг шу йил 14 июль сонида босилган шу сарлавҳали мақолада бу ҳақда ёзилган эди.

Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари ўртоқ Н. Баженов бу ҳақда қуйидагиларни хабар қилди:

Бу мақола юзасидан текширити ўтказилди. Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Амударё район прокурори М. Тўлаганов вазифасидан олинди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИ ИЗИДАН

СУРБЕТЛАР

Орамизда ҳали шундай ходимлар ҳам борки, улар давлатдан, жамиятдан кўпроқ юлишни ўйлайдилар, тўғри келганда амал ва шуҳратларидан ҳам фойдаланадилар.

Хева шаҳар коммунал хўжалиги бўлими мудири Иброҳим Юсупов, бўлим ходими Раим Ҳусанов, бухгалтери Неъмат Хўжаев, диспансер бухгалтери Санд Аҳмедовлар ўзларини шаҳар «хўжайини» деб ҳисоблаб, электрдан фойдаланганликлари учун бир неча ойлаб ҳақ тўламаганлар ва бугун-эрта деб ҳаммани алдаб келганлар. Бу ҳақда редакцияга келган шиқоят Хева районлараро прокуратурасига юборилган эди.

Прокурор Каримовнинг редакцияга маълум қилишича, текшириш натижасида хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Н. Хўжаев, И. Юсупов, Р. Ҳусановлар қарзларини тўлаганлар. Санд Аҳмедов қарзини тўлашдан бош тортгани учун электрдан фойдаланишдан маҳрум этилган.

ВАТАНГА КЎПЛАБ ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

Унча катта бўлмаган бу китоб[1] саҳифаларида колхозчилар оммасининг бутун мамлакатга машҳур етакчиларидан бири — уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқуловнинг кишини ҳаяжонлантирадиган ҳикояси бор. Бу бир вақтлар бўм-бўш ётган ва халқ томонидан кўз ёшлари ҳамда шўрлик водийси — Шўралисой деб аталган жонсиз ўлкани ўзгартириб, гуллатиб-яшнатиб, унга ҳаётбахш этган совет кишиларининг қувончли меҳнати, пахтадан мўл-кўл ҳосил берадиган ўлка, гуллаб-яшнаган боғлар, бўстонлар ва токзорлар, маъмурчилик ва мўл-кўлчилик ўлкаси, бахт-саодат ўлкаси тўғрисидаги қиссадир.

Ҳамроқул Турсунқулов ўзининг бутун онгли ҳаётини Коммунистик партия ишига, коммунизмнинг муҳташам биносини қуриш учун бепоён Ватанимизнинг барча халқлари сингари астойдил курашаётган Ўрта Осиё халқларининг ишига бағишлагандир. Гражданлар уруши йилларида Қизил Армия сафида оддий жангчи бўлган Ҳамроқул Ватанга садоқат билан хизмат қилди. Атоқли лашкарбоши — большевик Михаил Васильевич Фрунзе унга ўз қўли билан шахсий туҳфа қилиб топширган қилич ҳозир Совет Армияси Марказий музейида жанговар ёдгорлик сифатида сақланмоқда. Унга бу совға жанговар хизматлари учун берилгандир.

Янгийўл районидаги «Бирлашув» колхозини тузган деҳқонларнинг турмуши оғир эди. Пахтанинг ҳар бир центнери жуда қимматга тушар, бунинг учун кўп тер тўкишга тўғри келарди. Партия 1935 йилда бу колхозга ўзининг содиқ жангчиларидан бири Ҳамроқул Турсунқуловни юборди. Колхозчилар уни раисликка сайлаб, юксак ишонч билдирдилар.

— Мен колхозга раис бўлган вақтимда, — дейди Ҳамроқул ака, — ҳар гектаридан олинадиган ҳосил 5 центнердан ҳам ортмас эди. Меҳнат кунига тийинлаб (эски пулда) ҳақ тўланарди.

Лекин партия ташкилоти атрофига уюшган ва колхознинг ёш раисидаги ташкилотчилик қобилиятига ишонган кишиларнинг иродаси қийинчиликлардан зўр келди. Давлатнинг ёрдами, кишиларнинг муваффақият қозонишга бўлган интилиши бу кам қувват колхознинг ишни тезда юришга кетишига таъсир қилди.

— 1941 йилдан бошлаб, — деб ёзади автор, — йигирма йилдан буён ҳар қандай оғир шароитларда ҳам, об-ҳаво ноқулай келганда ҳам гектаридан олинадиган ҳосил 33 центнердан камаймади. Биз об-ҳаво шароити қулай келган йиллари гектаридан 36-38-40 центнердан ҳосил кўтардик.

Ҳосилдорликни бу қадар тез оширишнинг сабаби қаерда? Бунинг сабаби бир сўз билан айтганда янгиликка, ғўзани парвариш қилишда ва колхоз ишлаб чиқаришини ташкил этишда янгиликка интилишда, қўшнилардан ўрганишда, социалистик мусобақада, бир-бирини ўртоқларча қўллаб-қувватлашдадир.

Хрушчев номли колхоздаги ҳар бир меҳнаткаш Ватан учун, коммунизм қуриш учун меҳнат қилиш гояси билан яшамоқда. Автор китобнинг барча бобларида: ғўзани парвариш қилишнинг илғор тажрибаларини яққол кўрсатиб берганида ҳам, колхозда меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш тўғрисида гапирганида ҳам, чет эллик меҳмонлар кўплаб келаётганлигини ва колхоз ҳаёти билан ҳар томонлама қизиқаётганлигини кўрсатиб берганида ҳам, илҳомбахш меҳнатни улуғлайди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларини ва Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалик илғорлари зонал кенгашларида сўзлаган нутқларидаги йўл-йўриқларини амалга ошириш учун курашаётган, ўртоқ Турсунқулов раҳбарлик қилаётган колхоз аъзолари бу йил 1500 гектар майдонда мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Улар ҳозир колхозда ҳайдаладиган ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 41 центнердан ғўшт етиштирилаётган бўлса, яқин йилларда ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 75 центнердан ва қолган майдонларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 16 центнердан ғўшт етиштиришни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблайдилар.

— Бу вазифани бажариш осон эмас, — деб ёзади автор, — лекин биз буни 2-3 йилда бажарамиз.

Автор бунинг учун ишончли далилларни келтиради.

Бу доигдор колхоз аъзолари фақат ўз колхозларининг иши учунгина эмас, қўшни колхозларнинг иши учун ҳам жон куйдирадилар. Улар қўшниларига кучлари етганча моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Хрушчев номли колхоз аъзолари Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш, коммунизм муҳташам биносини қуриш йўлида қилаётган ишларининг юздан бирини ҳам кичкина бу тақризда ёзиб адо қилиб бўлмайди. Автор ана шу ишлар тўғрисида илҳом билан оқилона фикр юритади. Фақат Хрушчев номли колхоз ҳақидагина эмас, балки коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшаётган ва КПСС XXII съездига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлаётган Ўзбекистон колхоз ва совхоз далаларидаги барча меҳнаткашларининг порлоқ келажаги тўғрисида кенг фикр юритадиган китоб ўқувчига маънавий озука беради, шунинг учун ҳам уни бошдан-оёқ зўр қизиқиш билан ўқийсан.

А. МАХИНИН.

[1] Москва, Қишлоқ хўжалик нашриёти. Ҳамроқул Турсунқулов. «Ватанга кўплаб пахта етказиб берамиз» 1961 йил.

БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Бундан 17 йил муқаддам болгар халқи Болгария Коммунистик партияси раҳбарлигида фашист диктатурасини ағдариб, мамлакатда халқ ҳокимиятини ўрнатди. Социализм галабаси сари шаҳдам қадамлар билан олға бораётган ижодкор, меҳнатсевар болгар халқи ҳар йили 9 сентябрь кунини ўз миллий байрами—озодлик Куниниң улуғ байрам сифатида нишонлайди. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳар томонлама бераётган ёрдами туфайли Болгария меҳнаткашлари экономика ва маданият соҳасида, халқ моддий фаровонлигини юксалтириш борасида жуда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Тарихан қисқа давр ичида Болгария индустриал-аграр мамлакатга айланди. Мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқлари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Болгария социалистик қурилишининг планли йўлидан оғишмай бориб, биринчи, иккинчи ва учинчи бешйилликлар мобайнида оғир саноатни вужудга келтирди. Эндиликда халқ хўжалигида ватан машинасозлиги муҳим ўрин тутади, бошқа социалистик мамлакатлар билан айирбошлаш ва ҳамкорлик қилишга имкон берувчи рангли металлургия, кимё, электротехника сингари саноат тармоқлари ривожланмоқда.

Социалистик реконструкция ва индустриализация халқ хўжалиги қолоқлигини тугатиш имконини берди. Бу капитализмдан социализмга ўтиш даврининг энг қийин вазифаларидан бири — майда товар хўжалигини меҳнат кооператив-деҳқон хўжаликлари тузиш асосида социалистик қайта қуришни муваффақиятли ҳал этиш имконини берди.

Саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми 1960 йилга келиб урушдан олдинги 1939 йилдагига нисбатан 12 марта, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 27 баравар ўсди. Давлат ва кооператив саноати корхоналарининг асосий фондлари ана шу давр ичида 10 марта ошди.

Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш аллақачон тугалланган. Мамлакат қишлоқ хўжалигида кооператив тузумининг тантанаси денинг кооператив планнинг ғалабасидир. 1959-1961 йилларда Болгария Компартияси ва ҳукумати томонидан амалга оширилган қатор тадбирлар қишлоқ хўжалигини мислсиз даражада ривожлантириш истиқболини очиб берди. 1960 йилда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 1938 йилдагига нисбатан деярли икки баравар ошди. Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Болгария халқ республикаси Совет Иттифоқи бошчилик қилаётган жаҳон социалистик системасидаги қардош халқлар билан бир сафда бормоқда.

Суратда: Софиядаги студентлар шаҳарчаси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЧЕХОСЛОВАКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 8 сентябрь, (ТАСС). СССР Олий Совети делегацияси Миллат мажлисининг таклифига мувофиқ, бугун Москвадан Чехословакияга жўнаб кетди. Делегация составида СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Президиуми аъзолигига кандидат В. В. Гришин (делегация раҳбари), СССР Олий Советининг депутатлари Э. Я. Берзиньш, А. В. Волконский, И. С. Исаев, В. Е. Курченко, А. Г. Савинич, С. Содиқова, Б. В. Шункуба бор.

КУБА ПРЕЗИДЕНТИ О. ДОРТИКОС ПРАГАГА КЕЛДИ

ПРАГА, 7 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия Социалистик Республикаси президенти А. Новотнийнинг таклифига биноан, Куба Республикасининг президенти О. Дортикос бугун Прагага келди.

Рузин аэродромида А. Новотний ва О. Дортикос нутқ сўзладилар.

Жоао Гуларт — Бразилиянинг президенти

НЬЮ-ЙОРК, 7 сентябрь. (ТАСС). Ахборот агентликларининг Бразилиядан хабар беришича, бугун Жоао Гулартнинг Бразилия президенти лавозимини эгаллаш маросими бўлиб ўтди.

БРАЗИЛИЯДАГИ АҲВОЛ

РИО-Де-Жанейро, 7 сентябрь. ТАСС мухбири М. Артюшенко хабар беради: Жоао Гуларт Бразилия пойтахтига қайтиб келганидан сўнг мамлакатдаги аҳвол аста-секин нормалаша бошлади. Матбуот ва сиёсий арбоблар Бразилия оғир сиёсий кризисни асосан бартараф қилди, деб ҳисобламоқдалар. Ҳозирги вақтда янги ҳукуматни тузиш йўлида ҳамон зўр бериб иш олиб борилмоқда. Гулартнинг айтишича, бу ҳукумат коалицион ҳукумат бўлиши керак. Газеталар Бразилиа шаҳридан олиб бераётган хабарларида сиёсий партиялар ўртасида бош министр лавозими учун жуда кескин кураш бормоқда, деб таъкидламоқдалар. Ана шу лавозимни ким эгаллаши ҳақида шу чоққача ҳали бир битимга келингани йўқ. Гуларт журналистлар билан суҳбатда ташқи сиёсатни мен бош министр ва кабинет аъзолари билан биргаликда юргизаман, деб уқтирди.

Бразилия халқи бугун ўз миллий байрами — Бразилия мустақиллиги кунини нишонламоқда. Бразилия халқи Португалиянинг 300 йил давом этган асоратини 139 йил муқаддам улоқтириб ташлаб, ўз ватанини мустақил деб эълон қилган эди. Бразилияликлар бу тарихий воқеани жиддий сиёсий кризисни бартараф этиш билан нишонламоқдалар.

АФҒОНИСТОН БИЛАН ПОКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР УЗИЛДИ

КОБИЛ, 7 сентябрь. (ТАСС). Бундан сал илгарироқ Покистон ҳукумати Покистон территориясидаги афғон консулхоналари ва савдо ваколатхоналарини ёпиб қўйиш тўғрисида бир қарор қабул қилган, шу муносабат билан Афғонистон ҳукумати Покистон ташқи ишлар министрлигига нота юборибу, бу позицияни қайта қараб чиқишни таклиф этган эди. Нотада Покистон ҳукумати ўз позициясини қайта қараб чиқишдан бош тортган тақдирда, Афғонистон Покистон билан дипломатик муносабатларни узишга мажбур бўлади, деб кўрсатиб ўтилган эди.

Бугун «Ислоҳ» газетасида эълон қилинган расмий баёнотда айтиладики, Покистон ҳукумати ўз позициясини қайта қараб чиқмади ва ўз ҳукумати салбий позицияда эканлигини Покистон элчиси 6 сентябрда Афғонистон ташқи ишлар министрлигининг маълумотига етказди.

Шу сабабли, дейилади баёнотда, Афғонистоннинг Карачидаги элчихонаси 6 сентябрдан эътиборан ўз функцияларини тўхтатган ҳисобланади. Элчихона бини Покистон ташқи ишлар министрлигига расмий равишда айтди. Шундан сўнг Афғонистон элчихонасининг муваққат ишлар вакили ва ходимлари ватанга жўнаб кетадилар.

Афғонистон ҳукумати бу иш учун фақат Покистон ҳукумати масъулиятлидир, деб ҳисоблайди ҳамда ўзининг чуқур таассуфини изҳор қилади.

АДЕНАУЭР ЧЕТ ЭЛ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ОЛДИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

БОНН, 7 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Ғарбий Германия канцлери Аденауэрнинг чет эл журналистлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Аденауэр Ғарбий Берлин масаласидан ҳарбий васвасани авж олдириш баҳонаси сифатида фойдаланувчи Бонн ҳукмрон доираларининг йўлига амал қилиб, журналистларнинг саволларига жавобан «Берлин кризиси» ҳозирги вақтда кучайиб, «жаҳон миқёсидаги ғоят жиддий ва ғоят қатиқ кризисга» айланди, деди.

Канцлер НАТОнинг Европадаги қуролли кучлар бош қўмондони генерал Норстэд билан бугун ўтказган музокаралари тўғрисидаги ахборотни ўқиб берди. Шу билан бирга у, Норстэд Бонига унинг, яъни Аденауэрнинг ташаббуси билан келганлигини уқтириб ўтди. Аденауэр айтдики, Норстэд билан суҳбатда хизмат муддати шу ойда тугайдиган солдатларни бундесвердан демобилизация қилишни кечиктириш имкониятига доир масала тилга олинди. Аденауэрнинг сўзига қараганда, ана шу масала «муҳокама қилинмоқда» ва эҳтимол, ижобий тарзда ҳал этилса керак.

Аденауэр атом уруши бўлмайди, деб ишонч билдирди, чунки, унинг сўзига қараганда, бундай урушда ғолиблар бўлмас эмиш. Айни вақтда у, ўз фикрига ўзи қарама-қарши гапириб, баъзи, оддий қуроллар қўлланиладиган уруш бошланғудек бўлса, у ҳолда бу уруш атом урушига айланиб кетиш «хавфи жуда яқин бўлади» деб таъкидлади.

Аденауэр, сиз Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ҳақида музокаралар олиб боришга тайёрмисиз, деган саволга жавоб беришдан бош тортди.

Германия Федератив Республикаси милитаристик тадбирлар кўраётганлигига, канцлер бу тадбирларни ҳозиргина Норстэд билан музокама қилганлигига қарамай, Аденауэр суҳбат охирида мен бошлиқ ҳукумат «урушни истамайди», деб даъво қилди. «Биз, немислар,—деди у,—уруш нима эканлигини ўз тажрибамиздан биламиз».

ПОЛИТИЧЕСКОЕ САМООБРАЗОВАНИЕ ЖУРНАЛИНИНГ 9-СОНИ

КПСС Марказий Комитетининг журнали — «Политическое самообразование»нинг тўққизинчи, сентябрь сони босмадан чиқди. Журналда эълон қилинган бир қанча мақолалар ва материаллар КПССнинг янги Программаси проектини тушунтиришда пропагандистлар, лекторлар ва докладчиларга ёрдам беради.

Журнал «Коммунизм — бизнинг олий мақсадимиз» деган бош мақола билан очилади.

«Капитализмдан социализмга ўтиш — инсоният тараққиётининг йўли» рубрикаси остида Ю. Францевнинг «СССР коммунизм йўлига нур сочмоқда» ва Б. Гафуровнинг «Миллий озодлик ҳаракати ҳозирги босқичда» деган мақолалари босилган.

«Коммунизм — совет халқининг бевосита амалий вазифаси» бўлимида А. Толкачевнинг «Коммунизмнинг моддий-техника базаси», А. Лапиннинг «Қишлоқ хўжалигидаги яшлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш хусусиятлари тўғрисида», А. Румянцевнинг «Социалистик давлатнинг иқтисодий роли», В. Митаевнинг «Техника тараққиёти ва ишчининг меҳнати», А. Егоровнинг «Коммунизм ва миллий бадиий маданиятларнинг ривожланиш перспективалари» деган мақолалари босиб чиқарилган.

Журнал журналхонларнинг саволларига жавоблар босган.

«Янгилик нишоналари» рубрикаси остида Ю. Деминнинг «Уй қуриш комбинатлари» мақоласи эълон қилинган.

Идеология ишлари тажрибасига журнал саҳифаларида катта ўрин берилган. Бу бўлимда И. Ротинщинг «Пропагандистнинг ўйлари», Я. Стеркиннинг «Яъни катта имкониятлар», С. Гусевнинг «Бизнинг методика кенгашимиз» мақолалари эълон қилинган. Журналхонлар лекторлик маҳорати масалалари устида фикрлар олишишни давом эттирадилар. Журнал да пропагандистларнинг курслари ҳамда марксизм-ленинизм кечки университетлари учун тахминий ўқув плани ва методика масалалари бўйича программа ҳам босиб чиқарилган.

Янги чиққан китоблар ҳақида «Танқид ва библиография» бўлимида бир қанча материаллар эълон қилинган.

«МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТ ХОДИМЛАРИГА ЁРДАМ»

Журналнинг янги сони босмадан чиқди. Унда Ўзбекистон журналистлар союзи правлениеси IV пленумининг ҳисоботи босилган. Шунингдек, журнал саҳифаларида қишлоқ хўжалик темасида ёзувчи журналистларнинг республикалараро семинари ҳақидаги материалларни ҳам ўқиш мумкин.

«Тажриба ва ташаббус» рубрикаси остида Андижон ишчи мухбирларининг университети ҳақидаги мақола берилган.

Журналда турли хил қизиқарли мақола ва хабарлар берилган.

Футбол

Қураш қизимоқда

Олтин медаль учун курашаётган ўнта кучли команда қисқа муддатли танаффус эълон қилдилар. Бу командаларнинг айримлари чет эллар.га жўнаб кетди, айримлари эса, ўз майдонларида чет эллик спортчилар билан куч синашиб кўрмоқдалар. Бу ўнта кучли команда 15-сентябрдан чемпионатни яна бошлаб юборадилар.

Аммо, 11-22 ўринлар учун бўлаётган кураш давом этмоқда. Бу ўринлар учун ҳам кураш тобора қизимоқда. Ўйинлар сафига қиролмаган пойтахтнинг динамочилари навбатдаги галабани қўлга киритдилар. Улар Вильнюснинг «Спартак» дарвозасига учта тўп киритиб, ўз дарвозаларидан битта ҳам тўп ўтказмадилар.

Ленинград шаҳрида «Адмиралтеец» футболчилари қозогистонлик гайратчилар билан учрашдилар. Меҳмонларнинг ҳужумчиси Квочкин учинчи минутдаёқ ҳисобни очди. Бу ҳисоб танаффусгача ўзгармай турди. Танаффусдан кейин ленинградликлар «Гайрат» командасининг дарвозасига иккита тўп киритиб голиб келдилар. Ригада «Даугава» командаси Таллин шаҳрининг «Калев» футболчилари билан учрашди. Ўйинининг 36-минутида Абрамов киритган тўп ҳисобни майдон эгалари фойдасига ҳал этди.

Сталино шаҳрида «Шахтёр» командаси «Беларусь» (Минск) командасини мағлубият (4:2) га учратди. Кейинги пайтларда яхши ўйнай бошлаган Воронеж шаҳрининг «Труд» командаси Ленинградниинг «Зенит» футболчилари устидан устун келдилар. «Труд» командаси учрашувда 2:0 ҳисоби билан галаба қозонди.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 СЕНТЯБРДА

18.30—Биз ёзни қандай ўтказдик (мактаб ўқувчилари учун рус тилида), 19.05 — Телевизион янгиликлар, 19.25 — Кун янгиликлари киножурнали, 19.35 — Концерт (болгар куйларидан), 20.05—Сўнгги (киноочерк), 20.25 — Шўх қайрилишлар номли бадиий фильм, 21.55—Концерт (пахтакорлар талабига мувофиқ).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IX да Боғчасарой фонтани (8/IX га қо. тиб олинган билетлар ярайди), 10/IX да кундуз Доктор Айболит, кечқурун Аида.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9, 10/IX да Мирзо Улуғбек.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Украин рапсодияси — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «МИР» (кундуз 2, 4 ва кеч 6 да), «ИСКРА» (кеч 10-20 минутда), «СПУТНИК» (тонг соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Уч қават бахт — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Айна — «ВАТАН» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да), «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Яширин жаннат — «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 9-45 минутда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Жондан тўйган шоферлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 6 да).

Қизил елканлар — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Номаълум аёл (кундуз соат 3-20 минут ва кеч 7 да), Номсиз орол (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз ва кечқурун), Инсон тақдири (кеч соат 9-20 минут) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Украин рапсодияси — «ВАТАН», «РАКЕТА», «САЛЮТ».

Уч қават бахт — КАФАНОВ номли (кеч соат 10-15 минутда), «ХЕВА».

Айна — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 9-45 минутда), «УДАРНИК».

Яширин жаннат — «ФЕСТИВАЛЬ».

Қизил елканлар — СТЕПАН РАЗИН номли, «ШАРҚ».

Бола йўқолди — «ОКТЯБРЬ».

Вафодорлик синови — КАФАНОВ номли (кеч соат 8-15 минутда).

Жондан тўйган шоферлар — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 да).

САНЪАТ МУЗЕЙИДА

10 сентябрь кундуз соат 3 да: «Ўзбекистоннинг архитектура ёдгорликлари» деган темада

ЛЕКЦИЯ

Лектор — Б. С. Сергеев.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

(қишки бино)
1961/62 ЙИЛГИ

мавсум бошланди

9/IX да—Зарафшон қизи.
10/IX да—Равшан ва Зулхумор.
11/IX да—Фарғона ҳиноясн.

Спектакль кеч соат 8 да бошланади. Касса кундуз соат 12 дан очилади.

АНГРЕНДАГИ 3-СОН КОН-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

парлашш мастерлари, электрогазосварка мастерлари, энергетик машиннистлари ихтисослариға

1961/62 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар 25 октябргача қабул қилинади. Ўқиш 1 ноябрдан бошланади.

Билим юртига ўрта мактабнинг камида 8 синфи ҳажмида маълумоти бўлган ёшлар қириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати 1 йилу 6 ой.

Бошқа жойлардан келганлар ётоқ билан таъминланади. Стипендия умумий тартибда тўланади.

Билим юртига киручувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: маълумот ҳақида ҳужжат, таржимаи ҳол, ҳарбий хизматга муносабат ҳақида ҳужжат, турар жойдан справка, тўртта фотокарточка, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.

Адрес: Ангрен шаҳар, Жданов кўчаси, 38-уй. Телефон 1-29.

«УСАНТЕХГАЗМОНТАЖ»ГА

Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида ишлаш учун:

инженерлар; сантехникалар, теплотехниклар, электрогазосварқачилар, слесарь-тунукасозлар (вентиляция бўйича), бухгалтерлар

керак

Тошкент шаҳар, Аданасенко кўчаси, 35-уй, 3-қаватда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Чет эл хроникаси

⊙ Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Н. Руднев бошлиқ Совет ҳукумат делегацияси Брно халқаро ярмаркасида қатнашиш учун Прагага келди.

⊙ Польшадаги энг йирик Гданьск кемачилик корхонасида 12300 тонна вазидаги кема сувга туширилди. «Симферополь» номи берилган янги кема Совет Иттифоқининг буюртмасига биноан қурилди.

⊙ Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг доимий секретарияти баёнот эълон қилди. Баёнотда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 2-конференциясини 2 декабрдан 7 декабргача Қоҳирада ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди, дейилади. Халқларнинг мустамлакачиликка қарши ва бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган кураши, да Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг роли тўғрисидаги масала конференцияда муҳокама қилинади.

⊙ Германия Федератив Республикасида бундесверинг иккита реактив самолёти ҳалок бўлди. Бир самолёт Баварияда, Фрейзинг яқинида, иккинчиси эса Бадендаги Мосбах шаҳри ёнида қулаб, портлаб кетди. (ТАСС).

МЕДИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

Медикларнинг Тошкентда бўлиб ўтаётган халқаро конференциясида 8 сентябрда секцияларнинг мажлислари тамом бўлди.

Безгакни тугатиш секциясининг мажлисларида қилинган докладларда ва сўзланган нутқларда ер юзининг аҳолиси ана шу оғир касалликдан халос этилиши мумкин ва керак, деган бир фикр таъкидлаб ўтилди.

Руминия Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси профессор **Георге Лупашку** ана шу ҳулосанинг реаллигини исботловчи ишонарли мисоллар келтирди.

Хитой олимлари Хо Ци ва Чжоу Цзу-цзелар тақдим қилган докладда Хитой Халқ Республикасида безгак бўйича олиб борилаётган илмий ишлар тўғрисида гапирилади.

Доктор Рамон Мартинес Куба Республикасида безгакка қарши тадбирлар кенг авж олдирилганлигини айтгач, безгакни тугатиш ўз мамлакатида умумхалқ иши бўлиб қолганлигини таъкидлади.

Тунис вакили доктор Али Бутних ўз мамлакатида безгакка қарши бошланган ҳужумнинг дастлабки муваффақиятларини сўзлаб берди.

Яқинда мустақилликка эришган Африка давлатининг вакили Ж. д'Альмейда Тогода безгакка қарши тадбирларни амалга оширишдаги қийинчиликларни сўзлаб берди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вакили доктор **Л. Ж. Брюс-Хьатт** ўз сўзида Совет Иттифоқида безгакка қарши амалга оширилаётган тадбирларга юксак баҳо берди.

Секция мажлисида профессор **Т. Х. Нажмиддинов** (Ўзбекистон ССР), доктор **К. М. Дехқунян** (Арманистон ССР), доктор **М. К. Грицай** (Украина ССР), профессор **Мофидий** (Эрон) доктор **Е. Н. Симхович** (Молдавия ССР), доктор **Е. С. Попова** (Туркманистон ССР), **Бунтарман** (Индонезия), **П. Вербев** (Болгария), **Н. И. Кереев** (Қозогистон ССР), профессор **Э. Пинхас** (Исроил) ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Гельминтозлар ва амебиаз секциясининг мажлисида қилинган бир қанча докладлар ва ахборотларда бу касалликларга қарши кураш аҳолининг турмуш даражаси оширилган тақдирдагина самарали бўлади, деб таъкидланди.

Бизнинг халқимиз империализмга қарши қатъий озодлик курашида ғалаба қозонди, ўзининг бутун куч ва ғайратини турмуш шароитини яхшилашга қаратмоқда, деди доктор **Хоан Тич Минх** (Вьетнам Демократик Республикаси).

Доктор Хоан Тич Минх дизентериянинг ҳар хил турларига қарши кураш соҳасидаги асосий тадбирлар ҳақида гапирди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси **А. А. Асқаров** ва профессор **Саонок** (Афғонистон) секция қатнашчиларини бу касалликни ўрганиш соҳасидаги янги ишлар билан таништирдилар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эпидемик касалликлар бўйича техник маслаҳатчиси **А. Долль** пойтахти Браззавилда бўлган Конго республикасида гельминтозлар ва дизентерия бўйича ўтказилган текшириш натижалари ҳақида доклад қилди. **Шериф Абдил Фаттох** (Бирлашган Араб Республикаси), **З. Гонцах** (Польша) ўз сўзларида диагностикага доир турли масалаларни ёритиб бердилар.

Профессор **Чэн Синь-тао** (Хитой Халқ Республикаси) одамнинг оғир касалликларига сабаб бўлувчи паразитнимус гельминтининг бир эмас, балки бир неча турлари мавжуд эканлигини исботлаб берди.

Доктор **Мауш** (Ироқ), ашхободлик врач **М. Ф. Мизгирева**, самарқандлик мутахассислар **А. А. Тошўлатов, Р. Магдиев, Н. Ш. Шукрулаев**лар, москвалик олимлар **Е. С. Лейкина, М. Н. Соловьев, В. Б. Сченсновичлар** ўз сўзларида гельминтозлар ва амебиазнинг олдини олиш ва даволаш методларини ёритиб бердилар.

Гельминтозлардан даволаш вақтида қўлланиладиган турли препаратларнинг хусусиятлари батафсил муҳокама қилинди. Профессор **Мао Шоу-бай** таркибида сурма бўлган дори-дармонлар билан ўтказилган тажрибалар ҳақида гапириб берди. Ливан олими профессор **Жозеф Шадиак** анкилостомидозлардан даволаш учун қўлланиладиган бир қанча дори-дармонларга таққослама баҳо берди. Бир группа тошкентлик олимлар **Н. Н. Компанцев, С. Н. Бобожонов, Н. Н. Камбуллин, Н. И. Баннова**лар секция мажлиси қатнашчиларини гельминтларга қарши препаратлар ҳосил қилишда Ўзбекистондаги ўсимликлардан фойдаланиш имкониятлари билан таништирдилар.

Вирусли инфекциялар проблемалари секциясидаги мажлислар қатнашчиларининг катта активлиги билан ўтди.

Доктор **Нгуен Дюк Кхой** (Вьетнам Демократик Республикаси) ўз мамлакатида чечакка қарши кураш қандай шароитда олиб борилганлиги тўғрисида, шаҳар ва қишлоқларда ўтказилган ташкилий ишлар ҳақида батафсил гапириб берди.

Доктор **Эмис Чада** (Ҳиндистон) Ҳиндистонда чечакка қарши курашнинг ташкил этилишига батафсил тўхталди.

Сўзга чиққанлар орасида Ҳиндистон, Камбоджа, Ўзбекистон ССР, Куба ва бошқа мамлакатларнинг олимлари бор эди.

Совет олими, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси **М. П. Чумаков** сўзга чиқувчиларнинг нутқлари ҳамкорлик руҳи билан сугорилганлигини таъкидлади.

Секциянинг охирги мажлисида резолюция қабул қилинди. Резолюция проектини профессор **А. К. Саенц** (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) ўқиб берди. Резолюцияда натурал чечак ва бошқа вирусли касалликларга қарши кураш проблемалари ювасидан Халқаро конференция қатнашчилари муҳокама қилган масалаларнинг муҳимлиги таъкидланади.

* * *

СССР Медицина фанлари академиясининг илмий ва экспериментал кинематография бўлими, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти арбоблари ва баъзи олимлар томонидан тақдим этилган илмий медицина фильмларини кўриш Халқаро конференция ишида катта ўрин олди.

Кўрсатилган илмий ҳужжатли фильмларга юксак баҳо берилди.

* * *

Медиклар Халқаро конференциясининг бир группа олимлари Тошкент область, Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхозда бўлдилар. (ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИДАН ЮЗ ХИЛ ТАОМ

РСФСР Министрлар Советида матбуот конференцияси

...Боплаб тузалган мана шу дастурхон, бизнингча, ҳар қандай, ҳатто энг шинаванда хўранданинг талабини ҳам қондирган бўлур эди. Дастлаб салатларнинг бир неча хилини, винегрет, парҳезбоп қази тортишди. Шўрвалар ҳам барчага маъқул бўлди. Иштаҳани очадиган лаззатли бу таомлар иш.чилар ошхонасида ҳам, болалар боғчасида ҳам, санаторияларда ҳам шубҳасиз ман.зур бўлган бўлур эди.

Қуюқ таомлар — эразн, дўлма, пудинг, қуймоқ, сомса, шавла янада хилма-хил ва лаззатли бўлди. «Рубиновий», «Подмосковний», «Янтарний» ва шу кабі ичимликларга қодил бўлмаслик мумкин эмас. Ошпазлар ширинликларни ҳам қотириб юборишди. Кофе тортган вақтда печенье, шоколад, пирожное кекс беришди. Салат ва қазидан тортиб, шоколад ва серқўпик ичимликларга қадар ҳаммаси... маккажўхоридан ёки маккажўхори аралаштирилган маҳсулотлардан тайёрланганлигини билиб, баъзи иш.шилар ажабланишлари мумкин.

Мутахассисларнинг айтишича, маккажўхори донидан юздан ортиқ ҳар хил таом тайёрласа бўлади. Бу таомларнинг кўпи РСФСР Министрлар Советининг ошхонасида ўтказилган матбуот конференцияси — зиёфатда намойиш қилинди. Жамоатчилик ва совет матбуоти вакиллари шу зиёфатга таклиф этилди; ҳурматли меҳмонлар Москва озиқ-овқат корхоналарида маккажўхоридан тайёрланган маҳсулотларни татиб кўрдилар.

Ана шу ғайри-табиий матбуот конференциясида Бутунроссия Халқ хўжалиги кенгаши озиқ-овқат саноати бош бошқармасининг бошлиги А. П. Клеменчук ва РСФСР Савдо министрлиги умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиги В. И. Захаров нутқ сўзладилар. Улар «мўъжизакор»дан жуда хилма-хил маҳсулотлар тайёрлаш рецептураси ишлаб чиқилганлигини, крупалар, консервалар, ноннинг ва кондитер маҳсулотлари, концентратлар, пиво, совуқ ичимликлар ва винолар тайёрлашда маккажўхорини донидан ғоят фойдали компонент сифатида фойдаланилаётганини айтиб бердилар.

Матбуот конференциясида сўзга чиқан СССР Госпланн раисининг ўринбосари В. П. Зотов айтдики, мамлакатнинг планлаштирувчи ташкилотлари Россия Федерацияси озиқ-овқат саноатининг истиқболини ижобий тажрибасини ҳисобга олади. Россия Федерацияси озиқ-овқат саноатининг истиқлари маккажўхорининг озиқ-овқат экини сифатидаги аҳамиятига муносиб баҳо бермоқдалар. Маккажўхори донидан тайёрланган маҳсулотлар, деб уқтирди В. П. Зотов, оммавий озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб қолмоғи керак.

Матбуот конференцияси — зиёфат қатнашчилари Россия Федерациясининг озиқ-овқат саноати корхоналарида маккажўхоридан тайёрланаётган маҳсулотларнинг бой выставкаси билан танишдилар.

РСФСР Министрлар Советидаги матбуот конференцияси ва выставка маккажўхори ажойиб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда нақадар зўр резерв эканлигини кўрсатиб берди.

П. РОГОЗИНСКИЙ, (ТАСС мухбири).

Суратда: маккажўхоридан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

Р. 01704. Нашр. Б. 212.